



# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 15 май, пайшанба • 20 (3496)-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Қадрли фарзандларим!**  
Авваламбор, сизларни, мана шу муҳташам майдонда тулланган, қизгин беллашувларга шай бўлиб турган барча ўғил-қизларимизни бугун қадим Хоразм воҳасида бошланаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиништириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари унинг келажакда сиз, ёш авлодимизни Ватанимизни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада

юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Эл-юртимиз бугун сизларга катта умид боғлаб, том маънодаги баркамол бўлиб етишишингиз учун барча имкониятларни яратиб, олдингизда истиқболнинг равон йўларини очиб бермоқда.

Бугун сиз, азиз болаларимизнинг бетакрор ўқувчилик йилларингиз сермазмун ва тўлақонли бўлиб ўтиши ва ҳаётда муносиб ўрнингизни эгаллаб олишингиз учун оналарингиз, устоз-мураббийларингиз қаторида бутун халқимиз тинмай хизмат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар мана шундай юксак эътиборга жавобан халқимизнинг

таянчи ва суянчи, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиб улғайишга, жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз байроғини ҳамisha баланд кўтаришга бор куч ва имкониятингизни сафарбар этасиз.

Мен Жалолiddин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк баҳодирлар этишиб чиққан мана шу муқаддас заминда бўлиб ўтадиган спорт беллашувларида барчангиз ғолиблик учун ҳалол ва мардона кураш олиб борасиз, маҳорат ва қатъиятингизни намойиш этасиз, деб ишонаман.

Азиз ўғил-қизларим!  
Шу фурсатдан фойдалан

ниб, қисқа муддатда замонавий ва муҳташам спорт иншоотларини бунёд этиб, сизларнинг ихтиёрингизга топширган қўли гул қурувчиларга, шу хайрли ишда қатнашган барча ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликларининг ходимлари ва раҳбарларига, бутун Хоразм аҳлига сиз, ёшларнинг номингиздан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жисмоний баркамоллик, куч ва ирода, гўзаллик ва нафосат байрами бўлган бугунги спорт ўйинларининг бошланиши билан сизларни яна бир бор қўтлаб, барчангизга бўлгуси беллашувларда зафар ёр бўлишини тилайман.

Спортда ҳам, ҳаётда ҳам бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мажлислар залида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб


Тантананада иштирок этган республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов ўз табрик нутқида йиғилишда ҳозир бўлган иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийлари, байналмилалчи жангчиларни кутлуг айём билан қизгин муборакбод этди. Уларнинг мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётганларини таъкидлаб, мустаҳкам соғлиқ, Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида куч-қувват, улкан муваффақиятлар тилади.

Йиғилиш иштирокчилари хизмат пайтида ҳалок бўлган милиция ходимлари хотирасини ёдга олиб, бир дақиқа сукут сақладилар. Шундан сўнг гулдурас қарсақлар остида қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов, истеъфодаги милиция генерал-майори Т. Абдуллаев, истеъфодаги милиция полковниги В. Шульманлар сўзга чиқишди.

Шу кун республика ИИБ «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Ўз мухбиримиз.



## МУСОБАҚАЛАР КўНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Хоразм воҳаси «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг уч минг нафардан зиёд иштирокчиларини қизгин кутиб олди. Республика мактаб ўқувчиларининг ушбу спорт байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Айниқса тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтган «Хоразм» спорт мажмуаси халқаро талабларга жавоб берадиган даражада қайта таъмирланди. Улкан бунёдкорлик ишларига ички ишлар ходимлари ҳам муносиб улуш қўшишди.

Албатта, ҳар бир байрам ва спорт баҳслари ўтадиган кунларда осойишталикни таъминлаш муҳимдир. Буни чуқур ҳис қилган вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, шахсий таркибнинг саф кўриги ўтказилиб, ходимларнинг хизмат кийим-бошлари, жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлангани, автотранспорт ва алоқа воситалари яна бир бор кўздан кечирилди.

Бир сўз билан айтганда, спорт мусобақалари кўнгилдагидек ўтиши учун барча нарса шай!

М. АБДУЛЛАЕВ.

Суратда: вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ ходимлари — милиция сержантлари С. Олодғорова (чапда) ва Н. Раҳмоновлар «Хоразм» спорт мажмуаси олдида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

УСНИНЧИ «Постда» gazetasi ning ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI + TV OLAM

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОСТДА» — 180 (366)  
«НА ПОСТУ» — 169 (367)  
«QALQON» — 970 (1083)  
«ЩИТ» — 971 (1084)



2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан, сифатли ва қисқа муддатларда ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўздонмахсулот" давлат-акциядорлик корпорацияси, "Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг" компанияси, "Ўзагромушсервис" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг:

жорий йилнинг 15 майгача дон хирмонлари ва майдончалари, дон тозалаш қурилмалари ва донни дастлабки қайта ишлаш бўйича бошқа воситалар, шунингдек бошоқли дон экинлари ҳосилини қабул қилиб олиш учун дон қабул қилиш пунктлари ва элеваторлар тайёрлаб қўйилганлиги;

жорий йилнинг 25 майгача таъмирлаш ишлари, дон ўриш комбайнлари, дон ташиш учун транспорт воситалари тайёрлаб қўйилиши, ҳосилни йиғиштириб олишга ғалла ўриш комбайнлари тўлиқ жалб қилиниши, биринчи навбатда, ҳосил ўрим-йиғимида юқори унумли "Кейс", "Клаас" ва "Нью-Холланд" комбайнларининг қатнашиши;

доннинг хўжалиқлар томонидан тайёрлов пунктларига албатта дастлаб тозаланган, ифлослиги ва намлиги стандарт нормативлардан ортиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилиши таъминланиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2003 йил дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишни ташкил этиш ва амалга ошириш

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### 2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзагромушсервис" уюшмаси, унинг ҳудудий бирлашмалари ва машина-трактор парклари раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзагромушсервис" уюшмаси донни комбайнлардан хирмонларгача ва дон қабул қилиш пунктларигача ташиш учун юк автомобиллари, тиркамали транспорт тракторлари ишга солиниши таъминласинлар, шунингдек умумий фойдаланишдаги автокорхоналардан ва бошқа ташкилотлардан транспорт воситаларини шартнома асосида жалб этсинлар.

Зарурат бўлганда дон ташишга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар автотранспорти шартнома асосида жалб этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, донни дон қабул қилиш пунктларига ташиш бўйича транспорт харажатлари "Ўздонмахсулот" давлат-акциядорлик корпорацияси томонидан тўланади.

4. "Ўзагромушсервис" уюшмаси бошоқли дон экинлари янги ҳосилини йиғиштириб олиш учун қишлоқ хўжалиги техникасининг юқори даражада тайёрланишини таъминласин ҳамда зарурат бўлганда тузилган шартномалар асосида вилоятлар ўртасида ғалла ўрим-йиғим техникасини экипажлари билан бирга қайта тақсимласин.

5. 2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга кўмаклашиш учун Ишчи комиссия тузилсин, унга жойларга бориб қишлоқ хўжалиги техникасини ўз вақтида тайёрлаш ва ресурсларни қайта тақсимлаш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш ҳуқуқи берилсин.

6. 2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш даврида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда доннинг талон-торож қилиниши ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантларини вилоятлар ички ишлар бошқармалари ихтиёрига юборсин;

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси Ички ишлар вазирлиги буюртманомалари бўйича тингловчилар ва курсантларни вақтинча бўлиш жойига олиб бориш ҳамда ҳосил йиғиштириб олингандан кейин уларни қайтариб олиб келиш учун зарур миқдордаги транспорт воситалари ажратилишини таъминласинлар. Тингловчилар ва курсантларни ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ва "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари тингловчилар ва курсантларни вақтинча яшаш жойлари, озиқ-овқат, уларни ташиш учун транспорт ва ёнлиги-мойлаш материаллари билан ғаллакор хўжалиқлар маблағлари ҳисобидан таъминласинлар.

7. "Ўзбекнефтгаз" миллий хол-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри  
2003 йил 13 май.

И. КАРИМОВ

#### Янгиликлар, хабарлар, воқеалар

## КИНОЛОГЛАР КЕНГАШИ

Тошкентда ички ишлар идоралари кинология хизматини янада ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Транспорт ИИБ кинология бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Тобора такомиллашиб бораётган хизматнинг бугунги кундаги аҳоли ва мавжуд камчиликлар хусусида республика ИИБ ППХ ва ЖТСБ

рияси мутахассислари йиғилганларга портлаш воситалари ва портловчи моддаларни аниқлаш бўйича машғулот ўтишди.

Семинар иштирокчилари Тошкент шаҳар ИИББ кинология хизмати билан ҳам яқиндан танишдилар. Меҳмонларга хизматқидирувда фойдаланилаётган ва зотдор итлар питомниклари кўрсатилди, кўргазмани чиқишлар намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Автомашинадаги кичкинагина носозлик ҳам катта фалокат сабабчиси бўлиши мумкин. Шунинг учун транспорт воситасини рўйхатлаш ва имтиҳонлаш бўлимлари ходимлари ишга масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ёндашдилар.

Суратда: Сирдарё вилояти ИИБ ИХХБ РИБ инспектори, милиция капитани Фурқат Раҳматуллаев навбатдаги транспорт воситасини кўздан кечирмоқда.

Ўз мухбиримиз.



## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 сессияси материалларини ўрганишга бағишланди. Уни ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги

С. Пўлатов очди. Термиз Давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди Ж. Турсунов Президентимизнинг сессиядаги маърузаси ва сессия материаллари билан таништириб ўтди.

С. НОРМУРОВОВ,  
милиция майори.

## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

ПОЙТАХТ вилояти ИИБда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Адиллов, ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси Ф. Раҳимов, вилоят фахрийлар кенгаши раиси М. Иноғомовлар иштирок этишди. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳам таклиф этилди. Иштирокчилар хизмат вазифаларини ўташ чоғида ҳалок бўлган М. Нортोजиев, К. Сабриев, Ю. Отақулов, Р. Азимбоев, Ж. Назиров, М. Маҳкамовларни ёдга олиб, "Хотира бурчаги"га гуллар қўйишди.

Ўз мухбиримиз.

КАШҚАДАРЁ вилояти ИИБда Хотира ва Қадрлаш кунига бошқарма ҳовлисидаги хизмат чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишдан бошланди.

Бошқарманинг собиқ бошлиғи А. Юлбарисов хотирасига бағишланган тадбирда вилоят ҳокими Н. Зайниев, Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир А. Орипов, вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Н. Қаюмов ва бошқалар иштирок этишди.

Шу кунги бошқарма раҳбарияти томонидан узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, уруш иштирокчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга моддий кўмак берилди.

Х. ҲУРОЗОВ.

ЖИЗЗАХ вилояти ИИБ раҳбарияти, Фахрийлар кенгаши ҳамда жойлардаги ички ишлар идоралари ходимлари томонидан уруш ва меҳнат фахрийлари Чиноз Шерматов, Эргаш Абдужалилов, Абдусалом Турдиев, Худойберди Худойкулов, Мелибой Одиловга байрам совғалари топширилди. Уларнинг уруш йилларидаги машаққатли хизматлари,

линг компанияси ҳосилни йиғиштириб олиш даврида хўжалиқларга, машина-трактор паркларига ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш ва ташиш билан банд бўлган бошқа ташкилотларга ёнлиги-мойлаш материаллари улар қийматининг 15 фоизи олдиндан тўлангандан кейин белгиланган лимитлар доирасида узулксиз берилишини таъминласин.

8. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Ўздонмахсулот" давлат-акциядорлик корпорацияси билан келишган ҳолда янги ҳосилни йиғиштириб олиш даврида дон ташишга имтиёзли тарифларни қўллашни назарда тутсинлар, унинг қиймати ошиб кетишига йўл қўймасинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси хўжалиқлар томонидан дон сотиш тўғрисидаги статистика ҳисоботларининг тўғрилигини дон қабул қилиб олиш корхоналари бўйича мунтазам равишда текшириб борсин, ҳисоботни бузиб кўрсатишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисида тезкорлик билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Юсупов зиммасига юклансин.

шунингдек тинчлик даврида жиноятчиликка қарши курашда эришган ютуқларига юксак баҳо берилди.

Шу кунги вилоят ИИБ ҳовлисидаги ёдгорлик мажмуаси пойига гулчамбарлар қўйилди. Оламдан ўтган милиция ходимларининг порлоқ хотираси ёдга олинди.

Б. БАҲОДИРОВ.

НАМАНҒАН вилояти ИИБ ҳовлисида ташкил этилган "Посбонлар хотираси" мажмуида хизмат даврида ҳалок бўлган ходимларнинг номлари мармар лавҳага битилган. Осойишталигимиз йўлида милиция катта сержантлари Қ. Тожибоев, М. Мўминов, милиция катта лейтенантлари М. Муродов, Ф. Тўрахўжаев, милиция капитани М. Тошбаев ва милиция майорлари Э. Пайғамбаров, Ш. Турсуновлар ўз жонларини қурбон қилишган. Уларнинг фаолияти хизматдошлари қалбиди фидойилик намунаси, мардлик тимсоли бўлиб қолади.

Хотира мажмуи 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунига ҳар кунгидан кўра гавжумроқ бўлди. Тадбирга таклиф этилган уруш ва меҳнат фахрийлари "Мотамсаро Она" хайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шахсий таркиб тантанали мусиқа садолари остида саф тортиб ўтди. Шундан сўнг хизмат вақтида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилди. Бир пиёла чой устида устоз ва шогирд, собиқ сафдош ҳамда қуролдошлар дийдорлашиб олишди.

Д. ТУРҒУНОВА.

ФАРҒОНА. Ғалаба қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ўйингоҳда ёшлар ўртасида милиция капитани Қ. Рўзиматов хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди. Унга Қ. Рўзиматовнинг фарзандлари ҳомийлик қилдилар. Фоят қизиклари ўтган мусобақада Қизил мушт қишлоғининг "Қизил мушт" ҳамда Минглар қишлоғининг "Парвоз" жамоалари фахрли ўринларни эгаллашди.

Ўз мухбиримиз.



**Харакат хавфсизлиги ойлиги якунланди**

# ДОИМО ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

**Табиийки, йўл-транспорт ҳодисалари ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Шунинг учун барчамиздан йўл ҳаракати хавфсизлигига қатъий эътибор беришимиз, бепарво бўлмаслигимиз, белгиланган қоидаларга тўла-тўқис риоя қилишимиз талаб этилади. Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати зарур чора-тадбирлар белгилаб, уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида республика халқига мурожаат қилди.**

– Мурожаат бошқарма, корхона ва ташкилотлар, ҳиссадорлик жамиятлари, ўқув юртлари раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан қизгин маъқулланиб, ишга масъулият ва ҳамжихатлик билан ёндашилишида айна муддао бўлди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХХБ бошлиғи, милиция майори М. Айтмуротов. – Афсуски баъзи ҳамюртларимиз йўл қондаси – умр фойдаси, эканлигини ҳанузгача ҳис қилишмаяпти. Чунончи, аниқланган қоидабузарликларнинг 73 ҳолатида маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш қайд этилган. 138 ҳолатда тезлик оширилган, 519 ҳолатда қоидабузарлик пиёдалар томонидан содир этилган.

Халқ таълими масканлари ва жамоат жойларида ўтказилаётган суҳбатлар, учрашувлар боис болалар томонидан қоидабузарликлар қайд этилмади. Тадбир ҳам ниҳоясига етди. Бироқ ҳаракат хавфсизлигига қаратилган диққат-эътибор бир дақиқа ҳам сусаймайди.

**Х. ДУРДИБОВ.**



**Андижон шаҳар ИИБ ЙХХБ ходимлари шаҳардаги қатор автоҳўжалик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб этувчи мингдан зиёд плакатлар, ҳайдовчиларга эслатмалар тайёрлаб, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, корхона, муассаса ҳамда маҳаллаларга тарқатишди.**

# ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЪНИБ

**А**ксарият ҳолларда пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида кўплаб кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлади. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳарда 56 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, беш нафар фуқаро бевақт оламдан ўтди. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ЙХХБ ходимлари ойлик давомида болалар муассасаларида, жамоатчилик тўпланадиган

шоҳбекат, бозор ҳамда кинотеатрларда кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришди. Бунда асосий эътибор йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш, аҳоли айниқса, болаларга йўл ҳаракати қоидалари ҳамда ҳаракатланиш хавфсизлигининг муҳим шартларини тушунтириб беришга қаратилди.

Мазкур ойликни муваффақиятли ўтказиш учун

шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, автотомоҳаваскорлар кўнгиллилар жамиятининг вакиллари кенг жалб қилинди. Шу кунга қадар шаҳардаги 50 та мактаб ва 20 дан ортиқ болалар боғчаларида ҳаракат хавфсизлиги бўйича суҳбатлар ўтказилди.

**Ф. ИБРАГИМОВ,**  
милиция кичик лейтенанти.

# ФАОЛЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

**Республикамиз бўйлаб ўтказилган ҳаракат хавфсизлиги ойлигида Жиззах вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам фаол иштирок этишди. Ойлик бошланиши олдида тузилган режаларга кўра аҳоли ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича тушунтириш ва суҳбатлар ўтказилди. Бу тадбирнинг самарали ўтишига омил бўлди.**

**Т**арғибот ва ташвиқот ишлари биринчи галда мактаблар, болалар боғчалари, лицей ва коллежларда олиб борилди. Чунки кейинги пайтда вилоятда болалар ва ўсмирлар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари камаймаяпти.

Тадбир давомида 20 мингга яқин қоидабузарликлар аниқланди. Унинг асосий қисмини йўлчи-роқ ишорасига бўйсунмаслик, одам ташишга мўлжалланмаган транспорт воситаларида йўловчи ташиш, шунингдек, пиёдалар томонидан йўл



Суратда: (чапдан) вилоят ИИБ ЙПХ инспектори милиция кичик сержанти И.Бозорбоев ва ЙХХБ бўлима штаби бошлиғи, милиция майори А.Мавлонов тадбирнинг бориши ҳақида суҳбатлашишяпти.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ** олган сурат.

қўйилган қоидабузарликлар ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида тадбирга ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари шунингдек, идора ва ташкилотлар-

дан вакиллар жалб этилди.

Тадбир якунланди. Бироқ ходимларимиз йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни жадал давом эттиришяпти.

**А. ҚОДИРОВ,**  
милиция подполковниги.

# ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш учун халқро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёрлари ҳамда миллий анъаналар ва урф-одатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида чуқур ислохотлар ўтказилмоқда. Улар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Айна пайтда фуқароларнинг сиёсий ва маданий соҳадаги ҳуқуқларини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг сиёсий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат

хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”. Дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам ўзига хос оммавий тадбирлар ўтказилиб турилади. Италия, Франция ва Бразилия каби давлатлардаги карнавалларда миллионлаб одамлар қатнашса, биздаги оммавий тадбир ва байрамларда иштирок этадиганлар сони бир неча ўн мингтани ташкил этади. Ривожланган давлатларда оммавий тадбирлар ва байрамларни ўтказиш бир неча юз йиллардан буён давом этиб келаётган бўлса, биздаги байрамлар мустақилликдан сўнг оммавий тус олди.

Ҳозирги кунда оммавий тадбирда қатнашувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда у ерга келиб кетувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазибаларни амалга оширишда ички

ишлар органларидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг хизматлари бекиёсдир. Чунки улар оммавий тадбир қатнашчилари томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бузилишининг олдини олиш, байрамларни осойишта ўтказиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби вазибаларни амалга оширадидлар. Афсуски, кўплаб фуқаролар оммавий тадбир ўтказиладиган жойларда пиёдалар учун махсус ташкил қилинган йўлак ва ерости йўлларида юрмасдан, айнан транспорт воситалари ҳаракатланиши мўлжалланган йўллардан юрадидлар. Бу каби салбий ҳолатлар натижасида бирон-бир бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши ҳеч гап эмас.

Бундан ташқари оммавий тадбир ўтказилаётган жойда ва унга ёндош ҳудудларда ҳайдовчилар томонидан турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилиши кузатилади. Кўпчилик ҳолатларда оммавий тадбир ўтказилаётган жойга кўпроқ эътибор берилади, унга ёндош

ҳудудлар эса эътибордан четда қолиб кетади.

Ушбу турдаги муаммоларни бартараф этишда қуйидагилар мақсадга мувофиқдир:

– Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати марказий диспетчерлик хизматининг кузатув ва бошқарувини оммавий тадбирлар ўтказиш жойидан беш-олти чорраҳа олдин бошлаши ёки ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи махсус электрон қурилмалар ўрнатиш лозим. Ушбу қурилма орқали йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш енгиллашади. Яъни, бунда оммавий тадбирлар ўтказишга ажратилган ҳудудларга махсус камералар ўрнатилиб, датчиклар орқали марказий диспетчерлик хизматининг ўзида кузатувни олиб бориш ташкил қилинади. Олинаётган маълумотлар марказий диспетчерлик хизматининг компьютерларида ишлаб чиқилиб, оператор томонидан оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида ҳаракатланишни ҳудуд, лозим бўлса бутун шаҳар бўйича бошқаришни амалга ошириш мумкин.

Уйлайманки, ана шу нарсалар амалга охса, бу оммавий тадбирлар ўтказилишида ўзининг ижобий самарасини беради.

**Ф. ТҮЛАГАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тинчловчиси, милиция лейтенанти.

“Тинчлик посбони”  
**ЎТИНЫШЛЫҚ САҚШЫСЫ**

Ташкент 103-ада  
2-қаватда бўлади

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБнинг филиали

Т-ша 363-ада  
адреси 1033

# ҚУТЛАЙМИЗ!

**Ички ишлар идоралари нашрлари сони яна биттага ортди. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ “Тынышлық сақшысы” – “Тинчлик посбони” газетасининг илк сони нашрдан чиқди.**

*Энди муштарийлар кўҳна қорақалпоқ заминда хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш борасидаги фаолияти билан яқиндан танишадиган бўлдидлар.*

*Газетанинг ҳар бир сони ўқимишли, қизиқарли бўлишига, саҳифаларда осойишталик посбонларининг машаққатли хизмати ҳаққоний аке этишига ишонамиз.*

*Тахририят жамоасини янги нашр билан қутлаб, уларга улкан ижодий ютуқлар тилаймиз.*

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ**  
Бирлашган тахририяти жамоаси.



## Осойишта маҳалла обод бўлади

# МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Обод маҳалла йилида маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва аҳоли зиммасига катта масъулият юкланди. Билдирилган бу ишончни оқлаш учун масканимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳалла оқсоқоли М. Олтинбаев ва фаоллар кенгашиб,

худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга киришдилар. Шу билан бирга кекса авлодга эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилди. Болалар спортини ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилинаёпти. Маҳаллада яшовчи деярли бир ярим минг фуқаролар билан тез-тез

йиғилишлар ўтказилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Маҳалла аҳли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, меҳр-оқибатни қарор топтириш, маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида милиция майори К. Эшметов раҳбар-

лигида профилактика инспекторлари милиция капитани Х. Рўзметов, милиция лейтенантлари К. Уринов, Х. Зарипов, милиция кичик лейтенанти И. Аллабергановлар фаол иш олиб боришмоқда. Уларнинг жонкуярлиги боис маҳалламиз тинч, осойишта. Ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, жиноятлар камаймоқда.

Ш. ҚАЛАНДАРОВ,  
Урганч шаҳридаги “Тоза боғ” маҳалласи фуқароси.

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Маҳалламизда қарийб беш минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир оилани яхши билиш, фуқаролар билан самимий мулоқотлар ўрнатиш, ёшларни аҳиллик ва огохликка даъват этиш профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фаолларининг доимий диққат марказида. Бу борада айниқса профилактика катта инспектори, милиция капитани Бекмирза Юсупов, серғайрат милиция ходими Баҳодир Абдусаломовлар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Маҳалламиз худудидаги 146-мактабда “Булоқ” сув ҳавзаси очилди, футбол, кураш, шахмат, шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича тўғараклар ишлаб турибди. Ўтган йили айрим ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар ҳисобга олиниб, алоҳида суҳбатлар ўтказилди, уларнинг фарзандлари эса тўғаракларга жалб этилди. Ички ишлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида ўтказилаётган “Огохлик – давр талаби”, “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Виждон эркинлиги”, “Ёшлар ОИТСга қарши” каби мавзулардаги тадбирлар, шунингдек паспорт тартиботига қатъий амал қилинаётгани тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Хўжаева, педагог-тарбиячи Арофат Мирзақобилова, яраштириш комиссияси раиси Зиёвуддин Низомов ва посбонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли турли ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, жиноят содир этиш ҳолатлари тобора камаймоқда.

Умид қиламизки, ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, “Себзор” маҳалласи пойтахтимиздаги энг обод масканлар қаторидан ўрин олади.

Ш. ЭРГАШЕВ.

Беруний туманидаги профилактика инспекторлари аҳоли билан тез-тез учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга бошқош бўлмоқдалар. Ҳозирда турли спорт тўғараклари, маиший хизмат шохобчалари билан уйғунлашиб кетган милиция таянч пунктлари ободлиги, кўркемлиги билан кишининг кайфиятини кўтарди.

Суратда: профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Раҳмон Машарипов маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Муяссар Муродова ва маҳалла посбони Эркабой Урозбоевлар билан навбатдаги ишларни режалаштиряпти.

О. ОТАЖОНОВ олган сурат.



# БАРЧАГА НАМУНА ИНСПЕКТОР

Маҳалла осойишталиги юрт ободлигидир. Шу боис ҳам жойларда маҳалла фуқаролар йиғини билан профилактика инспекторлари ўртасида узвий алоқа ўрнатилган. Бу борада Избоскан туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир профилактика инспектори ўз худудидида осойишталикни таъминлаш борасида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Ана шундайлардан бири милиция катта лейтенанти Азимжон Аҳмедовдир.

Азимжон қарийб 24 йилдан буён ички ишлар тизимида хизмат қилиб келади. Ўз касбининг чинакам фидойиси. Унинг учун иш вақтининг чегараси йўқ. Ҳатто ярим тунда ҳам маҳаллаларни кузатиб юганини кўрасиз.

Ўшанда ҳам тун эди. Маҳалладаги хусусий дўкон томондан кимнингдир шарпасини сезган инспектор ўзини четга олди. Зимдан кузата бошлади. Ана, елкасига катта қопни ортиб олган йигит кўринди. Унинг ҳаракатлари бежо эди. Азимжон эҳтиёткорлик билан унга яқин бориб, кўлидан ушлади.

– Ярим тунда нима қилиб юрибсиз?

Елкасига қоп ортган йигит маълум бўлишича, ўттиз ёшни қаршилаган Т. Маъмур экан. У дўкон деворини те-

шиб, ичкарига кирган. Пештахтадаги энг қиммат молларни қопга жойлаб, жуфтакни ростлаётган пайтда Азимжон келиб қолган...

– Кишлоғимиз жуда катта, – дейди Шерматобод кишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Турғунбой Тожионов. – Мавжуд 5 та маҳаллада қарийб 22 минг аҳоли истиқомат қилади. Худудда тинчлик-осойишталикни таъминлашда Азимжон Аҳмедовнинг ҳиссаси жуда катта.

Ҳа, ўз касбига сидқидилдан ёндашиб, эл-юрт хурматини қозонаётган осойишталик посбонлари жуда кўп. Милиция катта лейтенанти Азимжон Аҳмедов ҳам барчага намуна бўлмоқда.

Б. КЛЕЙМАН.

## Хизматларда

Кейинги пайтда турар жойлардан ташқари мактаб, боғча, жамоат ташкилотлари жойлашган биноларда ҳам ёнғинлар содир бўляпти. Шундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимиз худудидида мавжуд бўлган барча коллеж, лицей, мактаб, спорт мактаблари, хунар-таълим марказлари, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар, касалхоналар ҳамда бошқа масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати талаб даражасига келтириляпти, Шунингдек, мавжуд камчиликларни бартираф этиш ҳамда бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш асосий вазифа этиб белгиланган.

# ЎТ – АЖДАРҲО

вақтида жиловланмаса фалокат келтиради

Қадимги эртақларда аждоқларимиз оловни етти бошли аждарҲога ўхшатиб, оғзидан ўт сочиб атрофни куйдиради деб, афсоналар тўқиганлар. Бу бежиз эмас, албатта.

Халқимиз оловни тилсиз ёвга қийслашади. Дарҳақиқат, шундай.

Офатнинг олдини олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ёнғин содир бўлишига кўпинча ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ва уларнинг олов билан ўйнаши сабаб бўлмоқда.

Жиззах шаҳрида жойлашган мактаб, боғча, меҳрибонлик уйларида ўтказилган текширишларда бир қатор камчилик ва нуқсонлар аниқланди. “Умид” болалар боғчасида ёнғин ўчириш баллонлари йўқ, ёнғиндан хабарлаш ва қўриқлаш ташвишгоҳлари носоз ҳолда, вақтинчалик электр симларидан фойдаланиш қоида-сига риоя этилмаган, қоровулхонадаги тезкор алоқа воситаси ишламайди, худудда тунги ёритиш чироқлари етишмайди, ёнғин ўчириш қалқони зарур анжомлар билан таъминланмаган, ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилмаган.

Х. Абдужабборов номли 9-ўрта мактабда фавқулодда ёнғинлар содир бўлган вақтда

фойдаланиладиган захира чиқиш йўлаклари беркитиб ташланган, компьютер, ҳисобчилар хонаси ёнғиндан хабарлаш ва қўриқлаш қурилмалари билан жиҳозланмаган, мактаб раҳбарияти томонидан мактабда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган, қоровулхонада алоқа воситаси йўқ. “Кимёгар” маҳалласида жойлашган 29-сон меҳрибонлик уйида ҳам худди шундай камчиликлар мавжуд.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган раҳбарларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилди.

А. УМАРОВ,

ички хизмат подполковниги.

сиз қолдирилгани, электр симларининг носозлиги, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш каби ҳолатлар, туфайли юз берди.

Ўт аждарҲоси ўз вақтида жиловланмаса турли фалокатлар юз бериши тайин. Шунинг учун ҳар бир инсон ўз уйи ва ишхонасини ўзи асраши керак. Айниқса, боғча тарбиячилари, мактаблар ўқитувчилари болаларни ўт билан ўйнашига йўл қўймасалар, нур устига аъло нур бўлар эди. Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада ёнғинга қарши воситалар тўлиқ бўлиши шарт.

Х. НУРУЛЛОЕВ,  
ички хизмат майори.



# UCHINCHI « Postga » gazetasing ilovasi

## TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI + TV OLAM



**ВУНДЕРКИНД**

Энрико болалигида кўрганлар бу юввош болакайнинг келажоги буюк бўлади, демаган бўлардилар. Унинг оиласи жуда оддий эди. Улар Римда яшашар, оила бошлиги Альберт Ферми темир йўл амалдори эди. Энрико 1901 йилнинг сентябрида шу қадимий шаҳарда дунёга келди. Унинг қобилияти юқори синфларда ўқиётганида аён бўлганди. У механиканинг энг қийин масалаларидан бирини ечишга киришганда 15 ёшда эди. Бу ишни ҳеч кимнинг ёрдамисиз уддалади. Ундан Пизодаги Олий қироллик мактабига кириш учун имтиҳон олган профессор Питарелли Энрикога қойил қолган эди. Чунки кечагина мактабни тугатган болакай олий математика усулларини беш кўлдек биларди. Питарелли ҳали бундай қобилиятли йигитни учратмаганди.

Ферми қачонлардир буюк Галилео Галилей ўқиган шаҳарда таҳсил олди. Ўқиш у учун ҳеч қандай қийинчилик тугдирмасди. Ҳатто профессорлардан бири Энрикога физика соҳасидаги янгиликларни кузатиб улгурмаётганини айтиб, ундан ўрнига дарс беришни илтимос қилади. 1922 йил ёзининг ўрталарида Ферми Олий қироллик мактабини тугатиб Римга қайтиб келади.

Ушанда Италия жуда оғир кунларни бошидан кечираётган эди. Пойтахтга Бенито Муссолини отрядлари билан кириб келди. Фашистлар диктатураси ўрнатилди. Фермининг ҳаётида эса муҳим ўзгаришлар рўй бера бошлади. У Рим университетининг Физика институти директори, профессор Марио Корбино билан танишади. Илгари вазир ва сиёсий арбоб бўлган, куч-ғайратга тўла, хушчақчақ ва тиришқоқ Корбино Италияда физика соҳасида мамлакат шухратини кўкларга кўтаришга қодир ватандош олимларни топишни орзу қиларди. У Энрико Фермида ана шундай иқтидор борли-

гини бир қарашдаёқ пайқайди.

Ферми пойтахт университетида дарс берар ва назарий физика бўйича илмий излашлар олиб борарди. Бундан ташқари уни ўша пайтларда ҳали унчалик маълум бўлмаган молекула, атом ва электронлар ҳаракати қизиқтирарди.

### ҚИРОЛЛИК АКАДЕМИЯСИ

1920 йилнинг ўрталарида Ферми Италия ҳарбий-денгиз флоти офицерининг қизи Лаура Капон

монавий физиканинг рим мактаби"ни тузишга қарор қилади. 1926 йилда у ўз университетида янги кафедра очади. Энрико Ферми ҳали 25 га ҳам тўлмаганига қарамасдан, кафедранинг ўзи бошқаради. Тез орада у билан қобилиятли математик Эдоард Амальди, физика бўйича Нобель мукофотининг бўлажак соҳиби Эмилио Сегре, "математика ва физика даҳоси" Этторе Майоранд ҳамкорлик қила бошлади. 1929 йилда Муссолинининг буйруғига кўра Италияда Қироллик академияси тузилади. Унга физиклардан Энрико Ферми кирган эди.

1930 йилнинг бошларига келиб физика фани атом

тивлик хусусиятини текшириб кўришди. Баъзи ҳолларда радиоактивлик фақатгина 1-2 дақиқа давом этарди.

Ферми катта кашфиётлар бўсағасида турганини ҳис қиларди. У энди бир кимёвий элементни радиоактив нурлантириш йўли билан бошқа кимёвий элементга айлантира оларди. Фермининг аниқлашича, уран атомларини "бомбардимон қилиш" орқали икки та янги, ҳали дунё учун номаълум элементни пайдо қилиш мумкин эди. Кейинчалик уларни "нептуний" ва "плутоний" деб аташди.

Италиядаги вазият эса кундан-кунга ёмонлашиб бораётган эди. Мамлакат

янги радиоактив элементларни очганлиги учун Нобель мукофоти берилиши ҳақида хабар етиб келди.

Мукофотни олиши билан Лаура ва Ферми икки фарзанди билан Стокгольмдан Нью-Йоркка йўл олишди. Бу ерда унга ҳаёт ва иш учун керак бўлган энг қулай шарт-шароитларни тақлиф қилишди.

Америкада Энрико Фермининг атрофида янги физиклар гуруҳи йиғила бошлади. Энди улар олиб бораётган текширувлар мутлақо махфий эди. Гап шундаки, Ферми гуруҳи ҳарбий идоранинг буйруғига кўра тенги йўқ ўлим қуроли яратиш устида ишлаётганди. Ферми ва унинг АҚШда

чилари балконда тўпланишди. Бошқарув пулти ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, исталган пайтда реакторни тўхтатиш мумкин эди.

Мана, у ишга тушди. Олимлар илк бор атом қувватини уйғотишга муваффақ бўлишди! Шундан сўнг Ферми хотиржам оҳангда: "Нонушта қилгани кетдикми?" – деди. Гўёки ҳеч бир муҳим воқеа рўй бермагандек эди.

Атом бомбасини яратиш бўйича "Манхэттен лойиҳаси" устида иш бошланганида атом реактори қурилиши ҳали давом этарди. Ҳарбийлар шошишарди. Ферми хотини билан Нью-Мехико штатининг узок бир чеккасига кўчиб ўтди. Улар барча ҳамкасблари билан бирга бир йил давомида ташқи оламдан узиб қўйилди. Бу махфий жамият аъзоларининг ҳатто исмлари ҳам ўзгартирилди. Энрико Ферми – Эжин Фармерга, Нильс Бор – жаноб Бэйкерга айланди. Ҳар бир олим алоҳида топшириқ олган бўлиб, бошқаларнинг вазифасини билмасди. Ферми учун бу фирт ёввойилик ҳисобланарди. У бир гал: "Яқинда пакет олдим. Унинг устига "Ўта махфий! Ўқимасдан туриб ёқиб ташлансин!" деб ёзилган экан", – деганди киноя билан.

1945 йил 16 июлда Аламогордо саҳроси узра кўзни камаштирувчи ёруғлик пайдо бўлиб, даҳшатли гумбураш янгради. Дунёда биринчи атом бомбаси портлатилган эди. Бир неча соатдан сўнг Ферми сиртига кўрғошин қопланган танка ўтириб, радиация даражасини ўлчаш учун портлаш жойига борди. Орадан кўп ўтмай Энрико Ферми аъзо бўлган олимлар қўмитаси Президент Трумэнга япон шаҳарларига атом бомбасини ташлаш бўйича тавсия берди.

Энрико Ферми умрининг сўнги йилларини тинч-хотиржам ўтказди. Олим космик нурлар хусусиятлари ва мезон заррачалари табиатини ўрганди. 1945 йил ёзида Ферми физикларнинг Европада бўлиб ўтган халқаро анжуманида қатнашди. Чикагога қайтганида анча чарчаган, озби қолган эди. Шифокорлар унинг саратон хасталигига чалинганини аниқлашди. Касаллик анча ўтиб кетган, операция қилишнинг фойдаси йўқ эди.

У дўстларидан бири айтганидек, "касалликни Суқрот каби хотиржамлик билан қабул қилди". Энрико Ферми 1954 йил 29 ноябрда, 53 ёшида вафот этди. Орадан бир йил ўтиб атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича биринчи Женева анжумани бўлиб ўтди. Унда юзинчи кимёвий элемент кашф этилиб, буюк олим шарафига фермий деб аталгани эълон қилинди.


**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

## АТОМ БОМБАСИНИНГ

**Энрико Ферми инсониятга қувватнинг қудратли манбаини бериш учун туғилганди. Олим ихтиросидан кейин дунё бутунлай бошқача тус олди, чунки у даҳшатли қурол – атом бомбасига эга бўлди.**

билан танишади. Улар турмуш қурадилар. Анча йиллардан кейин Лаура Ферми эри Энрико ҳақидаги дастлабки таассуротларини эслаб шундай дейди: "Йигитчанинг оёқлари калта, ўзи букчайган эди. Унинг калласи қандайдир олдинга чиқиб турарди. У менинг кўлимни қисиб, дўстона жилмайди. Буни жилмайиш ҳам деб бўлмасди – унинг лаблари ҳаддан ташқари ингичка ва қуруқ эди. Лекин кўзлари, юзининг бугдоймағизлигига қарамай, қувноқ ва илтифотли эди. Кўзлари бир-бирига шунчалик яқин жойлашгандики, ингичка бурнига жой ҳам қолмаганди гўё".

Профессор Корбино "за-



## ИХТИРОЧИСИ

ядролари олами даври бўсағасида турганди. Олимлар олдида бир саволга жавоб топиш вазифаси турарди: атом ичидаги туганмас қувватни чиқариб бўладими ёки йўқми?

Дастлабки ҳайратомуз янгилик Франциядан келади: эр-хотин Ирен ва Фредерик Жолио-Кюри сунъий радиоактивликни кашф қилишганди. Улар ўтказган тажрибаларда алюмин атомлари махсус қайта ишлангандан сўнг радиоактив бўлиб қолганди. Башқача айтганда, олимлар ўз истаклари билан ядро реакциясини юзага келтиришни ўрганишганди. Лекин атом энергиясининг ўрганилишига ҳали анча вақт бор эди.

### МУҲОЖИРЛИК

Ферми ва унинг ҳамкорлари кўплаб кимёвий элементларни сунъий радиоак-

Ҳабашистондаги ҳарбий авантюрага аралашиб қолганди. Миллатлар Лигаси Италияга қарши иқтисодий жазо чоралари қўллашни зарур деб топади. Муссолини немис миллатчилари билан ҳамкорликка ошиқаётганди.

Тўсатдан Фермининг ҳомийси ва яқин дўсти профессор Корбино оламдан ўтади. Физиклар гуруҳи тарқалиб кета бошлади. Эмилио Сегре океан ортига кўчиб кетади. Ферми ҳам ўзи бир неча марта илмий маърузалари билан чиққан мамлакат – АҚШга кўчиб кетиш тўғрисида ўйлаб юрганди.

1938 йилнинг ёзида Энрико ва Лаура Ферми фашистлар Италиясини тарқатишга қатъий қарор қилишди. Лекин буни сир сақлаш керак эди. Ҳаттоки АҚШ университетларига 4 та илтимос хатларини ҳам Энрико турли шаҳарлардан жўнатди. Тақлифлар уни кўп куттирмади. Ферми Нью-Йоркдаги Колумбия университетини танлади. Ва бир вақтнинг ўзида унга

макон топган дўстлари ўзлари яратажак қурол фашизм устидан галабани тезлатишига ишонишарди. Альберт Эйнштейн ўша вақтларда Президент Рузвельтга Фермининг ишлари билан танишиб чиқиб, "замонавий ва даҳшатли кучга эга бўлган бомба" яратилиши мумкинлиги ҳақида ёзган эди. Биринчи навбатдаги вазифа бошқариладиган занжирли реакцияни амалга оширадиган атом реакторини қуришдан иборат эди. Реактор Чикаго университетиде қурилди ва эр-хотин Фермилар Нью-Йоркни тарқатишди.

Атом реактори университет ўйингоҳи минбари остида қурилди. 1942 йил баҳорда Ферми ва унинг энг яқин ёрдамчилари занжирли реакция амалга ошишига ишонч ҳосил қилишди.

### «МАНХЭТТЕН ЛОЙИХАСИ»

Реактор 1942 йил 2 декабрда ишга туширилди. Маросимнинг барча қатнаш-



## Бу ажиб дунё

Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмига саёҳат қилган киши олдида гўё ғойибдан пайдо бўлувчи Фижи ороллари аввалига жаннатмакондек кўринади. Ороллarning табиати сирли жозибаси билан кишини ўзига тортади. Бу ерда XX асрнинг бошларигача ҳамма жойда даҳшат солиб, ажал уруғини сочган, одамхўр ва каллакесар тоғли фижиликлар авлоди яшайди...

Вити-Леву оролининг тоғларида июль ёмғири ёғаётир. Лекин у ҳеч кимга халал бермаяпти. Фижи оролларида бирида жойлашган Навала қишлоқчасида аёллар далада ишлаётган ва балиқ овиға кетган эрлари ҳамда ўғилларига кечки овқат пиширяптилар.

Фижида уч юзтадан кўп орол бўлиб, уларнинг умумий майдони 18,3 минг квадрат километрди. 813 минг кишидан иборат аҳолининг кўпчилиги Кандаву, Вити-Леву ва Вануа-Леву оролларида яшашади. Фижини 1643 йилда голландиялик денгиз сайёҳи Абел Тасман, кейин эса 1774 йилда англиялик Жеймс Кук очган. Шундан сўнг Фижи ороллари 1874 йилдан эътиборан Англиянинг мустақиллашиши бўлиб қолди ва 1970 йилдагина мустақилликка эришди.

Бу ерда илк бор келиб қолган киши ҳаяжондан ўзини йўқотади. Йўлимда учраган Вонолажи исмли бир балиқчи Фижининг сувини бир марта ичган ва нонини тотган саёҳатчи тамомила тинчини йўқотиб, неча маротабалаб ушбу ороллarga қайтади, деб айтди. Лекин кўплар ороллар аҳолисининг ювош эмаслигини унутиб, эҳтиёткорликни бой беради. Энг муҳими эса маҳаллий урф-одатларни билиш ва уларга оғишмай риоя қилиш. Мен тақдиримни синагим келмади, чунки ҳар қалай ҳанузгача тоғли фижиликлар тўғрисида мабодо кимдир уларни хафа қилса, ҳеч қандай огоҳлан-тиришсиз ўша кишининг калласини кесишлари мумкин, деган овозлар бор.

Худуднинг ичкарасига киришинг билан орол аҳолисининг одатлари табиатга бениҳоя яқинлиги билан боғланганини сезасан, киши. Ишдан қайтаётган оталарини югуриб бориб кутиб олаётган болалар шодланиб қишлоқни бошларига кўтарганларида куёш бота бошлаган эди. Энг олдинда Навала қишлоғининг оқсоқоли Варазико Левазана келарди. У эркаклардан бири билан нима ҳақдадир қизгин баҳслашарди. Кейинчалик билишимча, бу киши унинг дўсти, кўшни Надугу қишлоғининг оқсоқоли Камизезе Вули экан. Вули кўшнисини кўриш ва ўғил болаларни эркаклар қаторига қўшиш удумини ўтказиш муддатини белгилаш билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларни ҳал қилиш учун келибди. Фижи-

даги аъналарга кўра бу маросим турли аҳоли манзилларида бир вақтда ўтказилади.

Мени кўришлари билан оқсоқоллар баҳслашувни тўхтатиб, истиқбодимга юрдилар. Бошқа эркаклар эса парво қилмай, ўз кулбаларига ошиқдилар. Қишлоқ етакчилари мени оддийгина қаршилайдилар, деган фикрда эдим. Лекин мутлақо аксинча бўлди: Варазико Левазана ҳурмат кўрсатиб, ўз уйига таклиф этди ва шарафимга кичикроқ байрам ўтказиб, анчагина меҳмон чақирди.

илдизлари менга кўрина бошлаётган эди. Лекин фижиликларнинг илдизи қишлоқ оқсоқолининг катта уйи каби бақувват ва қудратлидир.

Фижи оролларида яшовчилар ҳеч нарсадан кўрқмайдилар: менга айтишларича, уларни қадимий худолари ҳимоя қилади. Тоғли фижиликлар оилавий жамоа бўлиб яшайдилар, қишлоқ удумига қатъий бўйсундилар. Бу ерлик эркаклар қисматиға таро ўсимлигини етиштириш машаққатлари, шунингдек балиқ ови билан шуғулланиш ёзилган. Қишлоқ хўжалик ишларида уларга аёллар ҳам ёрдам берадилар. Аёллар, бундан ташқари, бола тарбиялаш, овқат пишириш, бўйра тўқиш, кийим тикиш ва кўплаб бошқа уй юмушлари билан шуғулланадилар.

Меҳмондўстликни фижиликлар муқаддас биладилар.

# ФИЖИ

## ҒАРОНИЙ ОДАМЛАР МАКОНИ

Ўша оқшом давомли суҳбат чоғида Океаниядаги қава – энгил спиртли ичимликнинг маҳаллий тури дарё бўлиб оқди. Шу ерда ўсадиган қаламбир илдизидан тайёрланган бу оч жигаранг ва бир оз аччиқроқ ичимлик одамни сархуш этиб, суҳбатлашишга мойил қилар экан.



Навала аёллари бўйра тўқимоқдалар.

Оқшом тун билан алмашди, даврамизга янги меҳмонлар кўшилган сайин қадахлар тўлдирлаверди. Одат шундай экан. Катта бўйраларда давра қуриб, эркаклар вазминлик билан суҳбатлашар, маросим ичимлигини литрлаб симираб эдилар.

Бу тун узоқ давом этди ва айна чоғда бир нафасда ўтгандек туюлди. Мен номаълум дунёга кириб борган ва унинг сирларидан воқиф бўлаётган эдим. Насронийлик дини асрлар давомида ўз қонунларига бўйсундиришга ҳаракат қилган, ҳозирги дунё эса аёвсиз ҳужум қилаётган қадимий маданиятнинг чуқур

Лекин улар қадимий маданият озикланувчи энг муҳим манбалардан бири – ўз аждодлари дунёсига олиб қирадиган эшикни дарҳол очиб берадилар деб умид қилмай кўя қолинг. Фижиликнинг қалбини четдан келган одам ўтмиш аждодлар ва янги авлодларга боғлаган ҳолда қараган тақдиридагина тушуниши мумкин бўлади.

Уч кундан кейин Навала қишлоғида Мареали ва Букуйя исмли икки йигитни эркаклар қаторига киритиш маросими бўлиб ўтди. Бу удум талаб қилганидек йигитлар оппоқ оқаргунча қиздирилган тошлар устидан юриб ўтишга тайёрланаётган эдилар. Қабиланинг барча эркаклари шу зайлда ўз иродалари, мардликлари ва аждодлар аъналарига содиқликларини намойиш этадилар.

Аждодлар йигитларни куйишдан сақлаб қолишлари керак эди. Шу пайтга келиб қишлоқнинг марказида тош қаланган гулхан бир соатдан буён ёнаётган эди. Маросимга бутун қишлоқ одамлари келди. Йигитлар шомон-қоҳиннинг кулбасидан чиқиб, ўчаётган, тошлари қизиган



Тез орада аждодлар руҳи билан алоқа боғлаш учун ана шу қизиган тошлар устидан йигитлар юриб ўтади.



"Жангчилар парвози" кучлилиги ва жасурлиги рамзи ҳисобланади.

гулханнинг олдиға боришди. Қоҳиннинг ўзи ҳам кулбасидан чикди, лекин у маросимдан қатнашмай, воқеани кузатиб турувчи бўлди. Йигитларнинг олдиға қишлоқ оқсоқоли Варазико Левазана бориб, уларга жуда паст

Мареали ва Букуйя уйланишлари мумкин. Ўзларига келин танлагач, қизларнинг ота-оналарига икки букилганларича таъзим қилиб, уларнинг уйларига кокос ёғи олиб киришлари керак... Бу тоғлик фижиликларнинг яна бир аънавий маросимларидир.

Тоғли фижиликлар алоҳида байрамлар ўтказиб, уларда "ҳаво жанглари" ва "жангчиларнинг парвозлари"ни намойиш этадилар. Мен Навалаға борганимдан кейин орадан бир ҳафта ўтгач, худди шундай байрам ўтказилди. Байрамга эрталабдан тайёргарлик бошланди. Аёллар таомлар пиширдилар, эркаклар "ҳарбий кийимлари"ни кийди-

лар – сонларини ўраб турадиган махсус чарм боғларни тақдилар. Пайти келганда моҳир иргитувчи эканликларини кўрсатиш учун қўлларига узун найза ва болтача олдилар. Чошгоҳда ноғоралар чалинди. Аёллар марказий майдонда катта давра қуриб турдилар, унга жангчилар том маънода учиб кира бошлади. Эркаклар баланд сакраб, бир мунча вақт давомида ҳавода учган афсонавий қушларни эслатар эдилар. Давраға сўнгги жангчи учиб кирганида ноғоралар тарақлаши тезлаша бошлади, эркаклар эса осмонга чанг кўтариб, шиддатли рақсга тушдилар. Шу аснода ўз жанговар ўтмишларининг рамзи сифатида ақдан оздирадиган даражадаги сакрашларни бошлаб юбордилар. Гап шундаки, илгари Олишувлар пайтида фижилик жангчилар ана шундай сакраб туриб болтача ёки найза билан рақибға зарба тушириб, уни яқсон қилишарди.

Тоғликлар ҳеч қачон қаллоблик қилмайдилар, бир лаҳзалик манфаатнинг кетидан қувмайдилар. Улар ўзларининг гуллаб-яшнаган хушбўй оролларида камтарона яшашни афзал кўрадилар. Ахир, ўрмонлар қаъридан уларни аждодлар руҳи кузатиб туради. Бу руҳлар ўз авлодларининг товонини қизиган тошлар куйдиришиға йўл қўймади, тўфон пайтида балиқчиларнинг қайиқларини сақлаб қолади ва қушлар сайроғиға тўла, қўл теккизилмаган ўрмонларни тўхта қилади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



Қишлоқ оқсоқоли Варазико Левазана.

устидан тушганларида қишлоқ устида Навала аҳолисининг шодиёна ҳайкирқлари янгради. Шундагина Мареали билан Букуйя бемалол жилмайишди. Уларнинг чиндан ҳам товонлари куймаган эди!

Мен ўша маросимдан кейин уларнинг оёқлари тагини ушлаб кўрдим – улар бир оз иссиқ экан, холос! Ўзим эса тошларнинг иссиғиға, ҳатто кафтларимни тутиб туролмадим. Энди, маросим ўтгандан кейин



ДУШАНБА

19

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: Катта танафус, Уй вазифаси, Мультифильм.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. "Муҳаббат риштаси".
17.55, 19.10, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.

ЎзТВ - IV

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 "Вести".
16.50 "Густав Эйфель". Хужжатли фильм.

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
Ўтган йилги бронза медаль соҳиби "Қизилқум" меҳмонда ўйнаган бўлса-да, навбатдаги уч очкони кўлга киритди. Асосан маҳаллий ёшлардан ташкил топган "Бухоро" ўз майдонида "Қизилқум" футболчиларини енголмади. Учрашувдаги ягона голни 65-дақиқада М.Идиатуллин киритди. Орадан беш дақиқа ўтиб, бухороликлар ҳисобни тенглаштириши мумкин эди. Бироқ, Э.Қосимовнинг 11 метрли белгидан тепган тўпини "Қизилқум" посбони қайтаришга муваффақ бўлди.

Бир неча мавсумдан буён совринли ўринлар учун курашаётган "Насаф" ўз майдонида "Металлург"ни қабул қилиб, қийинчиликсиз ғалаба қозонди. Қашқадарёликлар йўллаган учта тўпга, "Металлург" футболчилари бир бор жавоб қайтаришди — 3:1.

Қашқадарёнинг яна бир вакили — "Машъал" Кўқон шаҳридан уч очко билан қайтди. "Кўқон-1912" футболчилари ҳар икки бўлимда биттадан гол ўтказиб юборди.

Бу йилги мавсумни бироз муваффақиятсиз бошлаган "Андижон" аста-секин ўз ўйинини топмоқда. Еттинчи турда андижонликлар "Гулистон" футболчиларини қабул қилди. Ф.Ҳабибул-

лин ҳамда А.Пўлатов томонидан "Гулистон" дарвозасига киритилган тўплар, ўйиннинг 3:0 ҳисобида яқунланишига кифоя қилди.

Сурхондарёнинг "Сурхон" жамоаси ҳам уч очкога эга бўлди. Ўз майдонида унча-мунча жамоаларни "мазасини қочириб қўядиган" "Трактор" сурхондарёликларга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатолмади. Тўғри, учрашувда ҳисобни биринчи бўлиб мезбонлар очди. Лекин "Сурхон" футболчилари "Трактор" дарвозасига учта тўп йўллаб, ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди — 1:3.

Ўз тарихида биринчи марта олий лигада иштирок этаётган "Цементчи" мавсум бошида барча мухлису мутахассисларни қўйил қолдириб, чиройли ўйин кўрсатаётганди. Лекин еттинчи турда бу жамоа йирик ҳисобда мағлубиятга учради. "Самарқанд-Д" жамоаси ўз майдонида водийликларга илтифот кўрсатмади. Аксинча, тўртта гол билан "сийлади". Қувасойликлар эса мезбонларнинг бу "меҳмондўстлигига" ҳеч қандай жавоб қайтаролмади.

Мусобақа жадвалида еттита ўйиннинг барчасида ғалаба қозонган "Нефтчи" пешқадамлик қилмоқда. Фарғоналикларга нисбатан бир ўйин кам ўтказган, шунингдек, Наманганда икки очкодан ажраган "Пахтакор" 16 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. 13 тадан очко жамғарган "Насаф" ҳамда "Қизилқум" эса кейинги поғоналарга жойлашиб олди.

Чемпионат жадвалининг қуйи поғоналарини бир хил — тўрттадан очко тўплаган "Бухоро" ва "Гулистон" жамоалари эгаллаб турибди.

Боҳир БЕК.



## 7-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Нефтчи"	7	7	0	0	23-2	21
2. "Пахтакор"	6	5	1	0	16-4	16
3. "Насаф"	7	4	1	2	12-5	13
4. "Қизилқум"	7	4	1	2	11-6	13
5. "Сурхон"	7	4	0	3	10-11	12
6. "Дўстлик"	7	3	2	2	7-11	11
7. "Андижон"	7	3	1	3	9-6	10
8. "Навбахор"	7	2	4	1	9-6	10
9. "Самарқанд-Д"	6	3	0	3	7-4	9
10. "Машъал"	7	2	1	4	9-7	7
11. "Цементчи"	7	2	1	4	6-12	7
12. "Металлург"	7	2	1	4	7-15	7
13. "Кўқон-1912"	7	2	1	4	6-15	7
14. "Трактор"	7	2	1	4	8-19	7
15. "Бухоро"	7	1	1	5	7-12	4
16. "Гулистон"	7	1	1	5	3-15	4

## ТЎПУРАРЛАР

Анвар Бердиев ("Нефтчи") — 10(1)  
Марсель Идиатуллин ("Қизилқум") — 6  
Сергей Ни ("Нефтчи") — 4  
Александр Мочинов ("Металлург") — 4  
Абдувосит Азизов ("Машъал") — 4

## МАТТЕУС — ЧЕМПИОН?!



**Одатда, фаолиятини яқунлаган машҳур футболчилар ўзларини мураббийлик соҳасида синаб кўришади. Шулардан айримлари бу ишни уddалайди. Бу борада таниқли футболчи Лотар Маттеус ҳам анча иқтидорли чиқиб қолди.**

Германиялик бу мутахассис Белграднинг "Партизан" жамоаси мuddатидан олдин Сербия ва Черногория чемпиони бўлишига улкан ҳисса қўшди. "Партизан"нинг миллий чемпионатдаги ғалабаси Л.Маттеуснинг мураббий сифатида биринчи олтин медални кўлга киритишига замин яратди.

Мураббий келажак режалар ҳақида гапирар экан, бу жамоа олдида турган галдаги вазифа Еврокубокларда муваффақиятли иштирок этиш эканини яширмади.

БЕКХЭМНИНГ  
ТОПИШИ ЧАККИМАС

Футбол оламига машҳур "Франс футбол" нашри энг кўп пул топаётган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, "Манчестер юнайтед" ҳамда Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм энг "бойвачча" футболчи экан. Англиялик бу йигитнинг йиллик даромади 15 миллион евро ни ташкил этади.

Франциялик Зинеддин Зидан эса йилга 14 миллион евро миқдорида даромад олади. Унинг "Реал"даги жамоадоши Роналдо йилга 11.7 миллион евро топяпти.

Умуман олганда, "Реал" ва "Интер" ўз футболчиларига катта-катта маош тўлаётган энг сахий жамоаларга айланиб қолди. Чунки энг кўп пул топаётганлар рўйхатининг дастлабки йигирматалигига назар ташласак, мазкур икки жамоадан тўрттадан футболчи кўзга ташланади.





## Ёднома

Тошкентда кечган уч-тўрт йиллик ҳаёт ёш Мутал Бурҳонов учун мактаб, синов, тажрибалар даври бўлиб қолди. 1934 йил август ойида у Москвага, акасининг танишларидан Ҳожи Сафо исмли кишининг Герцен кўчасидаги хонадонига келиб жойлашди. Эртасига Н. Мироновнинг маслаҳати билан Москва консерваторияси қошидаги рабфак — ишчи факультетига имтиҳон топширди. Мутал ота босиб ўтган манзиллар ҳақида билгач, шундай хулосага келдимки, инсон ўз мақсади йўлида ҳар қандай машаққатга чидай олар экан. Мақсад сари ташланган ҳар бир қадам эса унинг умрини безаб туради.

“Ўқишга қабул қилишгач, ётоқхонадан жой беришди. Биз, саккиз талаба бир хонада турар-миз. Хона деворлари тахтадан бўлиб, тўрт томондан ҳар хил муסיқа асбобларининг овози эшитилиб, шовқин ичра қоларди. Менда битта кўрпача бор эди, ярми устимда, ярми тагимда. Ёстиқ йўқ, портфелга бошимни қўйиб ухлардим. Хонамизда атиги битта пианино

Эл-юрт танийдиган, зиёли, ҳурматли бир сулоланинг таянчи бўлиб, 21 ёшли Мутал, опаси ва янгалар қолишди. Ҳимоясиз аёллар ва талаба йигитнинг қўлидан нима ҳам келарди? Фотима опаси Муталга: “Укажон, тезроқ Самарқанддан кет!” деб ёлворди. Унинг ягона умиди — укаси Мутаваккил, Бурҳоновлар номини пок сақлаб қолиш эди.

“Аввал Душанбега, сўнг Москвага кетдим. Кутилмаганда яқинларидан ажраган кишининг ҳолини тасаввур қиласизми? Бунинг устига арз-додингизни ҳеч ким эшитмайди, бировга ёрдамлашиш қўлингиздан келмайди, ҳамма сиздан қочади. Ҳатто ўзингиз ўзингиздан қочасиз, ҳаммани кўрқув, ваҳима босган... Эласам, у кунларни таърифлаш қийин, англаш, тушуниш мушкул, деган хулосага келаман. Ҳамиша “нега, нима учун, қайси гуноҳларим учун?!” деган савол тинимсиз азоб беради, қийнайди...

Консерваторияда ўтадиган мажлисларда отаси, яқинлари

ўқиш мумкинки, буни асло унутолмайман...”

Мутал отанинг қисмати юзлаб саҳифаларга сиғмайди, ёзверса тугамайди. Бу ҳақда батафсил ҳикоя қилишни кейинроққа қолдириб, Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳонов ҳаётидаги энг ёрқин саҳифани ёдга олдик.

Суронли, таҳликали йилларда ота-онасиз қолган, суянчқияқилари қатагон қилинган бола бир кун келиб, мустақил Ватан мадҳиясини яратади, деса ҳеч ким ишонмаган бўларди. Ватан туйғуси, Ватан мадҳияси... Бу тушунчалар муштарак, бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

“Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Давлат мадҳиясини яратиш бўйича танлов эълон қилинди. Бу жараён икки ярим йил давом этди. Тақдим этилган асарлар ҳақида гап кетганда, 40 йилдан ортиқ вақтдан буён амал қилиб келинаётган мадҳияни ҳам танловга киритиш керак, деган таклиф билдирилди. Кимлардир бунга қарши чиқди, кимлардир маъқуллади. Шунда таниқли адабиёт-

# «КУЙЛАРИМДА ЯШАЙДИ УМРИМ...»

(Машҳур бастакор Мутал Бурҳоновни хотирлаб)

бўлиб, уни чалиш учун менга ярим соат вақт тегарди... Биринчи композиция муаллимим, профессор Б. Шахтерни яхши эсламан. Шу домлам туфайли Вано Мурадели билан танишгандим. У консерваториянинг биринчи курсида ўқирди...

1935 йили Москва консерваторияси қошида ўзбек опера студияси очилди. Унинг директори Қори Ёқубовни кўчада кўриб қолдим. У киши: “Мутаваккил, студиямизга келинг, уни битириб, консерваторияга киришингиз осон кечади” дедилар. Рози бўлдим. Мени ўзбек опера студиясига ўтказишди.

Орадан бир йил ўтгач, филармония ташкил этилиши муносабати билан Тошкентга чақиришди. Қизгин меҳнат — шунингдек турли тадбирлар, маросимларга тайёргарлик кўриш билан бир йилни ўтказдим. Ва яна Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Москвада бўлиб ўтган биринчи ўн кунлиги (декадаси)да қатнашиш менга ҳам насиб этди.

Декададан сўнг Москвада қолиб, ўқишни давом эттирдим”.

1937 йил, таътил пайтида Мукамил ва Муаммир Бурҳоновни НКВД ходимлари қамоққа олишди. Ширин орзу-хаёллар билан Москвадан Самарқандга қайтган Мутал чорасизлик исканжасига тушиб қолди. Нима қилсин? Икки кун ўтиб катта амакиси Мазҳар Бурҳоновни ҳам қамашди. “Менинг гуноҳим йўқ, жиян, — деган эди у Мутални хотиржам қилиш учун. — Айбим Туркияда ўқганим.”

(Давоми. Боши ўтган сонда).

қамалганларни муҳокама қилиб, ўқишдан ҳайдаш бошланди. Тинчимни йўқотдим, акам ва амакиларим қамоқда эди. Столешников кўчасида бир кампирнинг уйида ижарада турардим. Кечаси Довид Муллақандов билан Алимжон Ҳалимов (Домла Ҳалим Ибодовнинг ўғли) келиб айтдиларки, бизни НКВДга чақириб, сиз ҳақингизда сўрашди. Эҳтиёт бўлинг, бировлар савол сўраса, гапимиз бир жойдан чиқсин...

Большая Полянка кўчасининг эски икки қаватли биноси устига яна уч қават қурилди. Учунчи қаватга Ўзбекистон Доимий ваколатхонаси, 4-5 қаватларга ўзбек опера студиясининг ўқиш хоналари ва ётоқхонаси кўчирилди. Шоир Чўлпоннинг биринчи хотини Москвага келган экан, мени ахтариб келди, анча суҳбатлашиб ўтирдик. У: “Домла Фитрат, Чўлпон, Элбек, Усмон Носирни қамашди, Фотима опангизни икки яшар қизи (Дилбар) билан уйдан чиқаришди, аҳволи ёмон” — деб вазиятни тушунтирди. Дард устига чипқон, деб шунга айтсалар керак. Баъзан инсон иродасини обдон синашади. Бундай пайтларда чидашдан ўзга чора йўқ... Йиллар ўтиб, ўша қатагон кунлар манзараси — шаклу шамоили ҳақида “Шаҳидлар хотираси” жамғармаси раиси, профессор Наимжон Каримовнинг ёзганларини ўқиб, янада теранроқ англадим. Ана шу ҳақиқатни авлодлар билиши керак. Ана шу қонли тарихнинг кичик бир саҳифасини менинг оилам — Бурҳоновлар қисматида ҳам

шунос олим, профессор Азиз Қаюмов “Бу қандай гап, нима, “Марсельеза” эскирганми?” дея ўз мулоҳазасини билдирди. Чиндан ҳам “Марсельеза” инқилобий кўшиги икки асрдан бери Франциянинг Давлат мадҳияси сифатида янграб келаётганини кўпчилик эътироф этди.

Ўшанда мен ушбу танловда иштирок этишга, аввалгисиданам яхшироқ мадҳия яратилишига хайрихоҳлигимни билдирдим. Муҳокама ва тортишувлар давом этди. Натижада 1947 йилги мадҳия ҳам танловга киритилди. Шу тариқа бундай масъулиятли, фахрли танловда мен ҳам иштирок этдим.

Юртимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов муסיқага мослаб янги матн ёзди. Биз у билан бир неча ҳафта давомида ҳар бир оҳанг, бўғин устида машаққат билан ишладик. Янги эълон қилинган танлов қатнашчиси сифатида мустақил давлатимиз парламентида ўтирар эканман, қалбим гурурга тўла эди. Чунки асарим ўтирганлар қалбидан жой олишига ишонардим. Муסיқа яримлаганда олқишлар бошланди. Залдагиларнинг туйғуларини ажиб бир оҳанг билан юртбошимиз мухтасар ифодалаб бердилар: “Энди мен қайси бир хориж давлатида бўлмай, шу улугвор мадҳия жаранглаганда қалбим тўлқинланиб кетади!”

Залдагилар бу самимий сўзларини гулдурас қарсақлар билан қарши олишди. Халқ депутатлари бир овоздан Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳонов мадҳиясини янги, мустақил Ўзбекистон Давлат мадҳияси сифатида тасдиқлашди.

Ражаббой РАУПОВ.

## ҲУРМАТ БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ

Одилжон ака ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1979 йилда бошлаган эди. У киши умрининг охиригача Фарғона вилояти ИИБ жазони ижро этиш бўлими тизимида фаолият кўрсатди. Кейин эса бизнинг муассасага раҳбарлик қилди.

Кўпгина ходимлар, улар қатори мен ҳам Одил акадан хизмат сир-асорларини, маҳкумлар ва маҳбуслар билан муомала йўл-йўриқларини ўргандим. У кишидан олган сабоқларим ҳали-ҳануз фаолиятимда асқотяпти.

Вақт-оқар сув, дейдилар. Маъна, устозимнинг вафотига ҳам уч йилга яқинлашяпти. Аммо касбдошлари, шогирдлари бу талабчан ва ғамхўр инсонни ҳамон ҳурмат-эҳтиром билан эслашади.

Яхши одамдан бу оламда қилган ишлари, солиҳ фарзандлари, ёруғ хотираси қолади. Марҳум ички хизмат подполковниги Одилжон Ниёзовга буларнинг ҳар учаласи ҳам насиб этган.

И. АБДУҚОДИРОВ,  
ички хизмат капитани.

## БЕШ ЎҒИЛНИНГ КЕНЖАСИ ЭДИ

Инсон қалб тўрига туганмас орзулар жо этиб, бутун умри давомида уларни рўёбга чиқариш ниятида яшайди. Тақдир эса ҳар кимга турлича боқади. Гавҳардек бебаҳо ҳаётни қай даражада ўтказиш кишининг ўзига боғлиқ. Аммо бу беш кунлик дунёда кимнингдир орзуси ушалса, кимлар учун армон бўлиб қолади.

Юртимизнинг мард ўғлонларидан бири — Тошкент шаҳар ИИББ ЙПХ ходими, милиция сержанти Зухуриддин Отабоевнинг қалби ҳам туганмас орзулар билан лиммо-лим эди. У болалигидан меҳр қўйган соҳасида меҳнат қилишга бел болаганди. Аммо, 2001 йил 16 май куни бир ёвуз кимса ёш Зухуриддиннинг ҳаётига зомин бўлди.



Уша кун у одатдагидек, иш вақти тугагач ўртоқлари Музаффар ва Ҳаким билан уйга қайтаётган эди. Зухуриддин машина рулини бошқариб борарди. Улар Қўйлик бозорига яқинлашишганда йўлда бир маст киши кўринди. Ҳалиги одамни ўтказиб юбориш мақсадида Зухуриддин машинани тўхтатди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Машинанинг ҳайдовчи ўтирадиган томонидан келган нотаниш киши Зухуриддинга пичоқ санчди...

Албатта, разолат ботқоғига ботган бу кимса узоққа кетмасдан қўлга олинди. Балки қотил бугун қилган ишидан пушаймондир. Аммо энди кеч, чунки ота-онасининг суюкли фарзанди бўлган навқирон йигит Зухуриддин ҳаётдан бевақт кўз юмди.

У ҳали ёш, бўлса-да, ўзидан яхши ном, машаққатли касби туфайли эл осойишталигини сақлаш йўлида хайрли ишлар қолдирган эди.

Нишонбой ота ва Роҳила аялар тўққиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Зухуриддин оилада саккизинчиси, беш ўғилнинг кенжаси эди. У болалигидан камтарин ва қатъиятли бўлиб ўсди. Ёш бўлса-да, катталардек фикр юритар, атрофдагилар билан тезда тил топиша олар, ўта хушмуомала эди. Унинг ҳаракатчанлиги, меҳнатсеварлиги ҳамда милиция соҳасига кизиқишини пайқаган акалари ички ишларда ишлашни маслаҳат беришди. Ўзи ҳам шуни истаб турган Зухуриддин Ҳамза тумани ИИБ ДАН (ҳозир ЙХХ) бўлинмасида хизмат қила бошлади. Бироқ...

— У ўз касбини чин дилдан севавар, шунинг учун ҳам ҳар бир топ-

ширикни тўла-тўқис бажаришга ҳаракат қиларди, — дея хотирлайди марҳумнинг ҳамкасби, милиция капитани Қодир Абдубакиров. — Шундай азамат, Ватани, халқига содиқ йигит бир номўрднинг қўлида бевақт ўлим топганидан афсусдаман.

— Ханузгача Зухуриддиннинг бу ёруғ оламдан кўз юганига ишонмайман. Энди эл қаторидан ўрнини топиб, юртга нафи тегадиган пайтда ундан ажраб қолдик, — дея кўзлари ёшланади Нишонбой отанинг. — Ўғлим кўнгли очик, хушфел, кек сақламайдиган ва ориятли йигит эди. Унинг ўша фожиали кундан бир ҳафта аввал айтган сўзларини эсласам юрак-бағрим ўртаниб кетади. Ўшанда туғилган куним эди. Акалари ва опа-сингиллари билан роса ўйин-кулги қилди. Мени кучоқлаб, ўпар экан: “Дадажон, мен шу ёшимда гўё етмишга кирган кексаннинг умрини яшагандайман”, деди. Ўғлимнинг бу гапларини ҳазилга йўйдиму, юрагимда хавотир уйғонди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ундан жудо бўлдик...

— Бизга бу дунёда армон бўлиб қолган нарса — Зухуриддиннинг тўйини қилиб, орзу-ҳавасини кўролмай қолганимиз, — дейди Роҳила ая. — Тўйини ўша йилнинг кузида ўтказишни дилимизга тугиб юрган эдик. Аммо афсуски, болаганамга кувёлик либоси кийиш насиб этмаган экан. Ундан ёдгорлик бўлиб суратларию, сийрати қолди...

Бугунги кунда ана шундай пок қалбли инсон, жасур ўғлон Зухуриддин Отабоев орамизда йўқ. Аммо унинг порлоқ хотираси яқинлари, сафдошлари ва қадрдонлари хотирасида бир умр сақланади.

Б. РАҲМАТИЛЛАЕВ.



## Хизмат фидойилари

## ОНА ДУОСИ

Жазирама ёз ойи эди. Кеч бўлишига қарамай иссиқ тафти ҳали қайтмаган. Шу пайт рациядан Шовот туманидан Тошхувуз томон ҳаракатланаётган номаълум автомашина йўловчини уриб кетганлиги ҳақида хабар олинди. Ўз вақтида ёрдам кўрсатилмагани сабабли йўловчи воқеа жойида вафот этган эди. Яқин атрофда хизмат вазифасини ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори Жуманазар Рўзметов дарҳол автохалокат содир этилган жойга етиб келди. Тергов-тезор гуруҳи воқеа жойини синчковлик билан ўрганиб чиқди. Автохалокатдан дарак берувчи оқ-сарик рангли бўёқ парчасидан бошқа бирор-бир ашёвий далил кўзга ташланмади. Бир кунлик саъй-ҳаракатлар туфайли автомашинани кўрган гувоҳ топилди. Унинг кўрсатмасига асосан қидирувдаги бу автомобиль "ГАЗ-24" русумли эканлиги, у Туркменистоннинг Тошхувуз вилояти томон кетганлиги маълум бўлди. Жиноят содир қилиб, воқеа жойидан қочиш билан бераҳм ҳайдовчини излаб топишга жиддий киришилди. Бу ишга жиноят қидирув бўлими ходимлари ҳам жалб этилди. Ҳамкорликда олиб борилган беш кунлик тезкор тадбирлар натижасида "куён" бўлган ҳайдовчи аниқланди. У Тошхувуз вилоятининг Тахта туманида истиқомат

қилувчи А.Қосим бўлиб чиқди. Милиция ходимлари унинг уйига боришганда ҳайдовчи автомашинанинг пачоқланган жойларини таъмирлаётган эди. Тиббий экспертиза автомашинадаги қон излари жабрланувчиники эканлигини исботлади...

Бундай воқеалар Жуманазар аканинг 22 йиллик фаолияти давомида кўп бор учраган. У 1982 йилда Нукус автомобиль йўллари техникумини тамомлагач,



Хоразм вилояти ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати инспекторлигига ишга қабул қилинди. Ўз вазифасига сидқидилдан ёндошиши, мурабийлар маслаҳатига амал қилиши туфайли раҳбарлар эътиборини қозонди. 1987 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтига сиртдан ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг Ж.Рўзметов Хонқа тумани ИИБ

ДАНБда маъмурий амалиёт нозирини, Питнак шаҳар ИИБ ДАНБ бошлиғи вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди. Отаси Каримбой ака вафотидан олдин: "Ўғлим, Эрқабой укангни уйлантириб, уйли-жойли қилиш ниятим бор эди. Лекин насиб этмаган экан. Сенга васиятим — энди унга ўзинг оталик қиласан," — деди. Хуллас, оила ташвиши ҳам Жуманазарнинг зиммасига тушди. Орадан бир йил

ўтгач, Эрқабойнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Холжон ая ўғли Жуманазарнинг ота васиятини бажо келтирганидан жуда мамнун. Оиланг тинч бўлса, кўнглинг хотиржам бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Холжон аянинг бағри тўлиб қолди. Уч нафар келин, бир-биридан ширин неваралар унга парвона. Фарзандларининг ота касбини танлашида Холжон

аянинг ҳиссаси катта. Кенжа ўғли Эрқабой ҳамда невараси Рашидбеклар эл тинчлигини сақлашдек машаққатли ҳамда шарафли касбни танлашган. Эрқабой Урганч автомобиль йўллари билим юртини тугаллаган бўлса, Рашидбек Республика ИИБ Академиясида ўқиш ниятида. Холжон ая доимо ўғилларининг аҳил, бир-бирларига суянчиқ бўлаётганлигидан фахрланади.

Вилоят ИИБ ЙХБнинг йўл-патруль хизмати отряди гуруҳ сардори, милиция капитани Жуманазар Рўзметов қаттиққўл раҳбар бўлиш билан бирга ИПХ инспекторлари, милиция катта лейтенанти Ҳ.Абдурахмонов, милиция старшиналари М.Атаев, Ш.Ражабов, милиция сержанти У.Абдурахмоновларнинг севимли устозидир.

— Мен ҳар тонг онамнинг дуосини олиб ишга отланаман, — дейди Жуманазар ака. — Назаримда ана шу тилаклар кун бўйи менга қувват, мадад бераётгандай туюлади.

Обод маҳалла йилида Богот тумани Қораёнтоқ қишлоғидаги оилаларнинг биридаги бундай тотувликни кўриб, сафардан кўнглимиз тўлганича ортага қайтдик.

**Х.ЖАББОРОВ.**

*Суратда: вилоят ИИБ ЙХБ ИПХ отряди гуруҳ сардори, милиция капитани Жуманазар Рўзметов оила аъзолари даврасида.*

**Ж.ҚОЗОҚ олган сурат.**

## Тадбир

## ТЕЖАМКОРЛИК — КОНИ БОЙЛИК

**Айрим фуқароларнинг табиий газ ва электр энергиясидан қонунга зид равишда фойдаланишлари оқибатида бошқа ҳудудларда газ меъёрдан камайиб, электр тез-тез ўчиб қолмоқда. Бу эса фуқароларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлаяпти.**

Бундай ҳолатларни бартараф этиш, қоидабузарларни аниқлаб, чора кўриш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги, газ таъминоти, электр тармоқлари корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган рейдлар давомида ташкилотлар, муассасалар, хонадонлар, иссиқхона ва ошхоналар текширувдан ўтказилаяпти. Мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши натижасида кўнглисиз ҳодисаларнинг олди олиниб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган табиий газ ва электр энергияси тақсироти яхшиланмоқда.

Бироқ "текин бўлса тошни ют" қабилда иш тутувчилар ўз ҳаётларини хавф остида қолдираёттирлар. Улар қўлбола носоз электр иситкич ёки табиий газ тармоғидан резина ичак орқали фойдаланишяпти. Ўтказилаётган тадбирлар давомида 850 та ана шундай ҳолат аниқланиб, чора кўрилди. Масалан, Косонсой тумани Юмалоқ шайх қишлоғида яшовчи И. Мирзаев, Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғида А. Усмон эса новвойхонасига резина ичак орқали газ улаб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишгани аниқланди. Мингбулоқ тумани Дамқўл қишлоғида яшовчи

А. Мамасиддиқов ҳам хонадонини иситиш учун қўлбола электр мосламасидан фойдаланиб келаётган экан. Шунингдек, косонсойлик Т. Носирхонов, Ш. Юсупов, янгиқўрғонлик Р. Аҳмедов, поплик С. Имомовларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар давом этмоқда.

**Д. ТУРҒУНОВА,**  
милиция старшинаси.

## Мулоҳаза

ОҚИБАТ ҚАНИ,  
ҚЎШНИЖОН?

Йўлда кетаётган Санобархон исми бир танишимни учратиш қолдим. Яқинда унинг онаси вафот этганини эшитганим учун кўнгли сўраб, таъзия билдирдим. Гап гапга уланиб, Санобархон туман ички ишлар бўлимига кетаётганини айтиб қолди.

— Тинчликми? — сўрадим унинг чехрасидаги сўлғинлик фақат онасининг ўлими туфайли эмаслигини пайқаб.

— Сўраманг. Бошига аза тушган одамнинг хонадонига кўз тикканлар ҳам бўларкан, — у чуқур сўлиш олиб, ҳасратини тўкиб солди. — Онаминг тўсатдан вафот этганларини эшитиб, эшикни қулфлаб, ўғлим, келиним билан уларнинг уйига кетаверибмиз. Эртаси кунни пешинга яқин ўғлим чопонини олиб кетиш учун бирров келса, уй эшиги бузилиб, очилиб ётганмиш. Ичкарига кирса, ҳаммаёқ алғов-далғов, буюмлар сочилган. Музлаткич, яна бир-иккита қимматбаҳо буюмлар йўқ.

Кўшнилardan суриштирдик. Рўпарамизда истиқомат қилувчи аёл кечаси соат 2 ларда эшигимизни кимлардир бузиб очганини айтди. Бир соатча давом этган тақир-туқурни беш қаватли уйнинг юқори қаватларида (уларнинг уйи биринчи қаватда) яшовчи ўндан ортиқ хонадонда яшовчиларнинг ҳаммаси эшитибди, лекин бирор киши чиқиб, "нима қилаяпсизлар?" дейиш ёки милицияга кўнги-роқ қилишга ботинмабди. Баъзилар эса юқоридаги "алкаш"

қўшнининг уйда тўполон бўлаётгандир, деб ўйлашибди...

Аёлнинг маъзун юзини кўз ёшлари юва бошлади. Уни юпатишга сўз тополмай турарканман, хаёлимга айнан шу уй, шу хонадонда ўтган йили юз берган ҳодиса келди. Ушанда биринчи қаватда Санобархон билан қўшни яшовчи, ҳозир хизмат сафаридан бўлган танишим зиналар остидаги одам бемалол сифадиган тешикни беркитиб ташлаганини, эртаси кунни ишдан келса, тешик аввалгидек очилиб ётганини айтиб:

— Ахир нопок кимсалар ўшадан ертўлага, ўндан шахта орқали фуқароларнинг уйига ўғрилиққа кириши мумкин, — деганди куйиниб. У кўшнилари чақириб, "уйин учун" туйнукни очган болаларини тартибга чақиритиш сўраганиди. Ушанда бир-иккита ёш отаналар (айниқса аёллар) "ол-а, шунча вақтдан буён очик турган туйнукдан энди ўғри кирармиди?" дея энсалари қотган эди. Бироқ ўша кунни кечга бориб... айнан шу туйнукдан кимлардир биринчи қаватдаги бир неча хонадонга ўғрилиққа киргани маълум бўлди. Ушанда

"битта туйнукка шунчаликми?" деганлар уялиб қолишди. Санобархоннинг бошига тушган қулфат, унга қўшнилари бефарқлигини билгач, "нима учун одамлар бир-бирига беоқибат бўлиб кетяпти?" деган фикр хаёлимни эгаллади. Кўпчилигимиз ҳаёт ташвишлари билан бўлиб қўни-қўшни, дўст-ёр, ҳамкасбларнинг ҳолидан хабар олиш, бир оғиз яхши сўз билан кўнгли сўраш, яхши-ёмон кунларида елкадош бўлишни унутиб қўймаймизми?

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ички ишлар идоралари ходимларининг иши дейдиганлар ҳам топилди. Лекин аҳолиси бир неча миллиондан ортиқ шаҳарда ҳар бир кўп қаватли уйни қўриқлашга биттадан милиция ходими ажратишга имкон ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Эҳтиёж йўқлиги — халқимиз азалдан меҳроқибати билан танилган. Оқибатли одамлар яшайдиган жойда қўриқчига ҳожат йўқ. Бундан ташқари, воқеа содир бўлган "дом"дан 4-5 та уй нарида милиция таянч пункти жойлашган. Профилактика инспекторлари, табиийки

тонггача ишхонада ўтиришмайди. Бироқ улар ишни тўғри ташкил қилишганда, маҳалла посбонлари, тунги гуруҳ ўз вазифасига тўғри ёндашганда, қўли қинғир кимсалар ҳеч кимдан тап тортмай, бировнинг эшигини тепиб, синдириб, мулкни олиб кетмасди.

Кўшнилари оқибатсизлиги ҳақида гапирганда биргина мисол билан чекланиб қолмаймиз. Масалан, Самарқанд вилояти Пайариқ туманида яшовчи И. Улугбек ўздан ўн саккиз ёш катта қўшнисини С. Жаҳонгирнинг уйида, ўзаро жанжал оқибатида кўкрагига пичоқ уриб, ўлдирган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Косон туманида ҳам 24 ёшли Т. Икром қўшнисини Р. Гулмирзаннинг бел қисмига тиғ санчган. Шаҳрисабздаги маҳаллалардан бирида яшовчи деярли тенгқур Б. Жонпўлат ҳамда С. Тўланларнинг ўзаро жанжал ҳам Тўланнинг кўкрагидан яраланиши билан тугаган...

Бир жойда, ёнма-ён яшайдиган кишиларнинг бир-бирларига нисбатан оқибатсизлиги, бефарқлиги, ҳуда-беҳудага муштлашишяётганини кўриб

ёки эшитиб, "Сизга нима бўлди, қўшнилари? Оқибат, қўшничилик удуми қани?" дегинг келади. Ахир ота-боболаримиз бир маҳаллада бир отонанинг фарзандидек иноқ яшамаганми? "Қиёматда қўшнидан", "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши", "Қўшнинг тинч — сен тинч" каби пурмаёно мақоллар бекорга айтилмаган. Бугун қўшнининг уйига тушган ўғрига бефарқ бўлсак, ўша ноинсоф эртага ўзимизнинг хонадонга кирмайми? Бугун икки қўшни бир-бирига пичоқ кўтарса, эртага уларнинг фарзандлари қандай дўстлашади?

Яна бир мулоҳаза. Ёқалашиб, пичоқлашаётган қўшнилари аксарияти айни қирчиллама ёшда бўлсалар-да бирор жойда ишламайдилар. Улар қандай рўзғор тебратишади? "Ҳамма иллат бекорчиликдан чиқади" дейдилар. Бекорчиларнинг баҳонаси битта: иш йўқ. Лекин "излаган имконият, дангаса баҳона қидиради" деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Ичиб, муштлашавериш натижасида табиийки, оқибатсизлик, кек, адоват келиб чиқади. Маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари ўз ҳудудларидаги ишсизларга нисбатан эътиборлироқ бўлишлари зарурга ўхшайди. Бундан ташқари қўшнилари жипс-лаштирувчи, меҳроқибат туғдирувчи тадбирлар кўпроқ ўтказилса қўшничилик ришталари мустаҳкамланар балки?

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**



**Жиноятга жазо муқаррар!**


**Баъзилар текин даромад орттириб, бадавлат яшаш орзусида ўз умрларини оғуфтурушлик билан боғлашади. Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари аниқ шундай гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи тўда фаолиятига чек қўйишди...**

У ўзини қўли очик, одам-шаванда қилиб кўрсатишни дўндирадди. Галамис, тубан режаларини ҳеч ким пайқамасди ҳам. Толиб иш топдим, дея уйдагиларни лақиллатди.

“филиали” очилди. Рўзибой кун-кунора ташриф буюраётгани шубҳа уйғотмаслиги, “мол”ни олиб ўтиш машаққатларини ҳисобга олиб, олди-бердини чегара яқинига кўчиришни таклиф қилди. Бунга рози бўлган Толиб нархи шунга яраша арзонроқ бўлиши, кўпроқ фойда олиши мумкинлигидан қувонди. Бир сафар Рўзибой “катта” унга “хууд”ни кенгайтириш топширилганлигини айтди. Шундан сўнг Толиб ишга астойдил киришди. Турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотасига хизмат сафари кўпайганини баҳона қилди. У тез-тез бошқа туманларда ҳам пайдо бўлар, ўргимчакдек “тўр” тўқиб, лақмаларни осонгина илинтирадди. Энди у оғуга граммлаб эмас, килолаб буюртма бериш даражасига етган эди.

Толибнинг “бизнеси” юришиб кетди. У кўпинча уйга тунда кириб келар, табиийки, унинг “юк”ига ҳам шубҳа қилмасди. Гиёҳфурушларнинг “ов”и қизиган бир пайтда ички ишлар ходимлари жиноятчиларни ашёвий далиллар билан қўлга олиш режасини пухта ишлаб чиқишаётган эди. Тошкент вилояти ИИБ наркотрафик ва наркотик моддаларини гайриқонуний айланишига қарши кураш бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори М. Аширматов, катта тезкор вакил, милиция катта лейтенанти И. Ҳасановлар қулай пайт пойладилар. Ниҳоят овлоқ жойда аввал Толиб, кейин Рўзибой кўринди. Улар 1 кило-ю 700 граммдан ортиқ героинни кўтара савдо қилаётган вақтларида ушландилар.

**М. ИБРОҲИМОВА.**



Ҳеч ким бу “топармон-тутармон” куёвнинг аслида нима иш билан шуғулланишига қизиқиб кўрмади. Шундай қилиб бир оёғи Тожикистонда бўлган оғуфрушларнинг Бекободда ўз

**ХИКМАТ**  
**Овламоқ учун бир кўнглини нуқул, Бошқасига озор бермоқ номаъқул.**

ман дон қабул қилиш пункти ёнидаги тепаликка ҳайдаб келишди. Бу ерда уларни Шамсиддин Ҳайитов “КамАЗ” русумли автомашинада кутиб турганди.

Ҳамтовоқлар кўй-эчкиларни автомашинага орта бошлашди. Аммо ўлжа кўплигидан кузовга сигради – 38 бошини далага ташлаб кетишга мажбур бўлишди. 72 бош кўй-эчкини машинага ортган улфатлардан Ш.

Ҳайитов ва С. Насруллаевлар “КамАЗ”да, А. Абраев ва Н. Қурбонлар эса йўловчи машинада Тошкентга жўнашди. Алишер шерикларини Чиноз туманидаги Кўтарма қишлоғи бурилишида кутиб олди.

“Юк”ни далага туширишди. Эртаси куни 36 бош кўй-эчкини Чиноз тумани мол бозорига арзон-гаровга пуллашди. Тушумни ўртада арра қилишди. Қолган кўй-эчкилар Алишернинг ҳовлисида сақланди.

Ушбу босқинчилик ҳақида Деҳқонобод тумани ички ишлар бўлимига хабар келгач, дарҳол тезкор гуруҳ тузилди. Унга туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Чори Аннаев раҳбарлик қилди. Олиб борилган тезкор тадбирлар туфайли ўзгаларнинг кўп миқдордаги мол-мулкни талон-торож қилишга уринган жиноятчи тўданинг кирдикорлари фож этилди.

Бугунги кунда фуқароларнинг жами 5 миллион 20 минг сўмлик мол-мулкига кўз олайтирган жиний гуруҳ аъзолари суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилиб, қонуний жазо муддатини ўташмоқда.

**Ҳ. ҲАЙДАРОВ.**

Тожикистонлик айрим гиёҳфурушлар Ўзбекистон худудида ҳам ўз тармоғини яратиш мақсадида, тўданинг ёш аъзоси Толибни ичкуёв қилиб жўнатишга қарор қилишди. Тез орада унга Бекобод тумани Зафар кўрғонидан қаллиқ топишиб, тўйни ҳам ўтказиб беришди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас куда томоннинг ташрифи кўпайди. Айниқса, куёвнинг О. Рўзибой исми “тоға”си жуда “меҳрибон” чиқди. Куёв чилла даври деб кўчага чиқмагани, энг муҳими мижозлар орттирмагани унинг жаҳлини чиқарди. – Жиян, аҳволлар яхши-

ми? Энди ишни бошла-сак бўларди! – пичинг қилди тожикча талаффузда у. – Хотинни ҳам боқиш керак. Мана, тўйни ҳеч кимдан кам қилмадик. Энди қарзларни узиш навбати сиздан, укам. У саволомуз Толибга қаради.

– Чиқай десам, уйдагилар кўйишмади. Эртаиндин...

– Эрта-пертани йиғиштир, – гапни шартта бўлди Рўзибой. – Ишлашим керак де, вассалом.

Шундан сўнг куёв иш топиш баҳонасида ёшлар, бекорчилар тўпланадиган жойларда санғий бошлади.

**Алишер Абраев асли қашқадарёлик, бироқ у Тошкент вилоятининг Чиноз туманида яшаб келарди. Муқаддам судланган Алишер ўзи туғилиб ўсган юртига ташриф буюриб, Карашина кўрғонида яшовчи синфдоши Насриддин Шерназаровникига борди.**

Ичкиликбозлик авжига чиққанда уй эгаси бир таклифни ўртага ташлади: – Ёнасой даштининг овлоқ адирида бир сурувга кўзим тушди. Чўпони ёшигина бола. Қўл-оёғини боғлаб ташласак-да...

Шу кунийк улар туман ветеринария бўлиmidан рухсатнома олишга ҳам эришдилар.

Шомга яқин даврадошлар ўзларини танитмаслик учун ниқоб, ип ва пичоқлар олиб, “Москвич” русумли автомашинада “Оқрабод” жамоа

Алишер гап нима ҳақда бораётганини дарҳол тушунди.

– Тошкентда гўштни яхши пуллаш мумкин, аммо қорамолни олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Ҳужжат керак, – деди у.

– У ёғини менга қўйиб берасан, – қўл силтади Насриддин. – Тилхат ёзиш керак. У бир зумда тилхатни “қотириб” ташлади: “Мен Насриддин Шерназаров Усомон Юсупов номли жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Насруллаев Суннатдан сотиб олган молларни Ҳайитов Шамсиддин билан 120 минг сўмга келишиб, Тошкент мол бозорига олиб кетдим. Ушбу молларни Қурбондор Норали, Чориев Муҳиддин гувоҳлигида сотиб олганман”.

**ЧУВИ ЧИҚАДИ**

ширкат хўжалиги яйловига йўл олишди.

Шу кун фуқаро Тойир Аминов қишлоқдошларининг кўй-кўзисини Ёнасой даштининг овлоқ қирларида боқиб юрарди. У кечга яқин сурувни кўтонга қамаб, дам ола бошлади. Эндигина кўзи илинган ҳам эдики, нотаниш кимсалар унга ташланиб, оёқ-қўлларини чандиб боғлаб ташлашди.

Шериклар бир сурув кўй-эчкиларни кўтондан ташқарига чиқариб, ярим тунда ту-



**М. ЭШОНҚУЛОВ** чизган расм.

**Йўлдаги «ТАДБИРКОР»ЛАР**

Орамизда ўз манфаати йўлида ҳар қандай қинғирликлардан қайтмайди-ган кимсалар учраб туради. Ҳазораспик Ё.Мақсуд ана шундайлардан бири. У ҳеч қандай ҳужжатсиз, қонунга хилоф равишда “ПАЗ-679” русумли автомашинада хорижда ишлаб чиқарилган 380 минг сўмлик атирсовун ва шампунларни олиб келаётганда Гурлан тумани ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилди. Шунингдек, ҳазораспик Р. Бекпошша ҳам “Дамас”

русумли автомашинада 382 минг 500 сўмлик чет эл молларини келтираётгани маълум бўлди. Урганчлик С.Собир эса анча устаси фаранг чиқиб қолди. У қонунга хилоф бўлса-да, яхшигина даромад келтирувчи маҳсулотни топди. Бу “PINE” сигарети эди. Собир “Дамас”да 50 қутисини олиб келаётганда қўлга тушди. Шовот тумани ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида “Гулистон” ширкат хўжалигида истиқомат

қилувчи Х.Бахтиёр Туркменистондан ноқонуний равишда олиб ўтган ҳар хил русумдаги 45 та рангли телевизорни молҳонасида сақлаётгани аниқланди. Улар мусодара қилинди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Йўлдаги “тадбиркор”лар ҳар қанча устомонлик қилишмасин, барча ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилишини асло унутмасликларини истардик.

**Ж. ХУДОЙБЕРГАНОВ.**



**ОҒУФУРУШЛАР ПАНЖАРА ОРТИДА**

**Зиёдхўжа билан Тиллақўзи косиб Муҳаммадга шогирд бўлишганида ота-оналари, яқинлари қувонишганди. Бироқ шогирдлар Муҳаммаддан гулдай хўнари билан бирга гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш, кейинчалик мўмай даромад олиш йўл-йўриқларини ҳам пухта ўрганишди.**

Кунлар ўтиб, Муҳаммад “тижорат” мақсадида Россияга кетди. Зиёдхўжа билан Тиллақўзи эса гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланиб юрдилар. Кўп ўтмай, косиб Муҳаммад Россияда вафот этди.

Учкўприк тумани ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар натижасида Зиёдхўжа Алихўжаев елим халтага ўралган 15,3 грамм марихуанани 10 минг сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди. Олиб борилган дастлабки тергов-суриштирув ҳаракатлари давомида у Мўмин Нишонини ҳам гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб этганлиги маълум бўлди.

Орадан бир ой ўтгач, Тиллақўзи Жалилов ҳам 37,5 грамм марихуанани 15 минг

сўмга сотаётганида тезкор ходимлар томонидан ушланди.

Шундай қилиб, туманда гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ўтказиш билан шуғулланаётган гуруҳ фаолиятига чек қўйилди.

– Жиний гуруҳни қўлга олиш, уларнинг қилмишларини фож этишда милиция лейтенантлари Д. Мадаюпов, М. Акбаров, М. Ҳамроқуловлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар, – дейди терговчи, милиция капитани Р. Сотволдиев. – Тергов ҳаракатлари натижасида етиб, суд ҳукми билан Зиёдхўжа Алихўжаев 7 йилга, Тиллақўзи Жалилов 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мўминжон Нишонини эса 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди.

**М. КИМСАНБОВ.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси ИИБ санитария-эпидемиология назорати Бош маркази раҳбарияти ва жамоаси Бош марказ бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги А. Эргашева падари бузуқворни. **ЭРГАШ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси раҳбарияти ва шахсий таркиби милиционер ҳайдовчи, милиция старшинаси **Анвар ТўРАҚУЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ИИБ ЁХББ Навоий кон-металлургия комбинати ЁХБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги Ю. И. Тарасовга отаси **Иван ТАРАСОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.



## ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Қўшиқ қалбларга эзгулик улашади. Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида иккинчи истеъдод эгаларини аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Қизилтепа тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, милиция катта сержанти Зафаржон Шамсиев, бошқарма эксперт-криминалистика бўлими ходими, милиция капитани Исроил Сафаров, Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, милиция катта сержанти Эркин Ҳасанов она-юртни мадҳ этувчи янги қўшиқлари билан иштирок этдилар.

Г. Абдурахмонова шеъри билан айтиладиган «Ватан» қўшиғини маромига етказиб ижро этган ЖИЭМ туркум бошлиғи, ички хизмат лейтенанти Бахтиёр Неъматов танловда голиб чиқиб, республика қўшиқ байрамига йўлланма олди.

Н. РАҲИМОВА.

Фарғона вилояти ИИБ ҲООб инспектори, милиция лейтенанти Ҳусниддин Юлдошев «Хур диёр фарзандиман» деб номланган қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллади ва республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ, ППХ катта инспектори, милиция катта лейтенанти Тоҳиржон Шокиров «Тўйларингда юртим қўшиқ куйлайлик» қўшиғини ижро этиб, иккинчи ўринга лойиқ то-

пилди. Учинчи ўрин эса вилоят ИИБ ЁХБ 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти Толибжон Азизовга насиб этди.

Б. ОМОНЗОДА.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тизимида 32 нафар ходим Ватан мадҳини тараннум этишди.

Беруний тумани ИИБ ВЕИН инспектори, милиция катта лейтенанти Гулнора Қобулова ва Хўжайли тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, милиция сержанти Носир Шермоновлар учинчи ўринни эгаллаган бўлишса, Тўртқўл тумани ИИБ, ВЕИН инспектори, милиция катта лейтенанти Рисгул Рамазанова ва ЖИЭБ ходими, милиция сержанти Ташкентбай Қулшимовларга иккинчи ўрин насиб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ШТБХ инспектори, милиция капитани Қувватбой Шарипов Қодир Ҳилолов мусикаси, милиция майори Жуманиёз Отениёзов қаламига мансуб «Ўзбекистон» қўшиғи учун биринчи ўринга лойиқ деб топилди.


Д. ХУДОЙШУКУРОВ.



Республикамизда ўтган ҳаракат хавфсизлиги ойлигида Қашқадарё вилояти ИХХБ ходимлари ҳам фаол иштирок этишди. Кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш доимий эътиборда бўлди. Шу билан бирга жойларда кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб борилди.

Суратда: ИПХ катта инспектори, милиция капитани Муҳаммади Мирзаев «Шахрисабз-24» очик ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчилари билан суҳбатлашмоқда.

Ҳ. РАҲМОНОВ олган сурат.



## КРОССВОРД

**Диагоналар бўйича:** 1. Оптик асбоб. 2. Вагон бўлмаси. 3. Шамсия йил ҳисобидаги ўн биринчи ой. 4. Мақолдан: Меҳнат ... келтирар. 8. Дилга яқин киши. 9. От туси. 10. Шаффоф, ялтироқ қимматбаҳо тош. 11. Кимёвий модда. 12. Тиниш белги. 13. Рангли металл. 14. Касб эгаси. 15. Тўқимачилик ашёси. 19. Мўйнаси учун овланадиган йиртқич. 20. «Навоий» романи муаллифи. 21. Спорт мусобақаси соврини. 22. Оила бунёд бўлиши маросими. 23. Шамол кемаси. 24. Самолёт зинаси. 25. Кавказдаги давлат пойтахти. 26. Кўёш галактикасидаги сайёра. 30. Эркин Воҳидов достони. 31. Товуш.

32. Санъаткорнинг қахрамонни гавдалантиришдаги кифоаси. 33. Йирик йиртқич.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 5. Германия автомобили маркаси. 6. Ток қуввати бирлиги. 7. «Шоҳ Эдип» трагедиясида бош қахрамонни ижро этган атоқли ўзбек санъаткори. 16. Тригонометрик функция. 17. Энг улкан илон. 18. Ток занжиридаги фаол қувватни ўлчайдиган электр асбоб. 27. Тошкент вилоятидаги оромгоҳ. 29. Япониянинг Кюсю оролидаги шаҳар ва порт. 29. Асар номи.

К. ОРИПОВА тuzди.

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН «ЮБИЛЕЙ КРОССВОРДИ»НИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Кўргонтеги. 2. Мамажонов. 3. «Урфон». 4. Дутор. 5. Муҳаррам. 6. «Соғиниш». 7. Дастурхон. 8. Колас. 9. Мушоира. 10. Олмос. 11. «Кўкан». 12. Шайхзода. 13. Ҳабибий. 14. Ойбек. 15. «Тошкент». 16. Болохона. 17. Латифа. 18. «Ассалом». 19. «Вақт». 20. Алиев. 21. Тихонов. 22. Аския. 23. Муконов. 24. «Ёдгор». 25. «Мукофот». 26. Гулкайчи. 27. Шукрулло. 28. Ғунча. 29. «Муштум». 30. Дехқон. 31. Бедил. 32. Арпапоё. 33. Шеърят. 34. Эрталаб. 35. Академик. 36. «Йигитлар».

**Кроссворд шаклининг иккита қуюқ чизикли ўрта қаторидаги сўзлар:**  
ФАФУР ФУЛОМ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ УЛУФ ШОИРИ ЭДИ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

Кундузги ва сиртқи адъюнтурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

● давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимлар тарихи;

● давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ;

● фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ;

● жиноят жараёни, криминалистика ва тезкор қидирув ҳуқуқи, суд экспертизаси.

Кундузги адъюнтурага ички ишлар идораларининг юқори ва ўрта бошлиқлар таркибидаги ёши 30 гача, сиртқи адъюнтурага эса 35 гача бўлган шахслар қабул қилинади.

Адъюнтурага номзодларни танлаш ички ишлар идоралари (муассасалари) томонидан олий юридик маълумотли (юридик соҳа магистр дипломига эга бўлишлари шарт), илмий-тадқиқот ишларига иштиёқли ва танлаган ихтисослиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ходимлар сирасидан ўтказилади.

Адъюнтурага кирувчи шахс танлаган илмий ихтисослигини кўрсатган ҳолда билдирги беради.

Кундузги ва сиртқи танловни ўтказувчи идора ҳар бир номзод бўйича Академияга қуйидаги ҳужжатларни жўнатади:

1. Номзоднинг шахсий йиғма жилди (кундузги бўлимига);

2. Номзоднинг ўқув йиғма жилди. Унда қуйидагилар бўлиши керак:

■ 1-сонли форма бўйича маълумот;

■ кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (фотосурати билан);

■ таржимаи ҳол;

■ хизмат тавсифномаси – йўлланма;

■ гувоҳнома учун 4хб ҳажмдаги иккита рангли фотосурат;

■ олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг тасдиқланган нусхаси ва синов варақаларидан кўчирма;

■ соғлиги ҳақида маълумотнома;

■ нашр этилган илмий ишлар, кашфиётларининг рўйхати, илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот.

Улар бўлмаса, танлаган ихтисослиги бўйича ҳажми 15-20 саҳифадан (машинада икки интервалда) иборат бўлган илмий реферат (маъруза);

■ олий ўқув юртини тугатиб, адъюнтурага кирмоқчи бўлган шахслар учун олий ўқув юрти Илмий кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма;

■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган 2.2 формада номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (бўлган тақдирда). Агар номзодлик имтиҳонларини топширган бўлса, кириш имтиҳонларидан озод қилинади.

Олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг нусхаси эса адъюнтурага кирувчининг шахсан ўзи томонидан кўрсатилади.

Фалсафа, чет тили ва мутахассислик бўйича имтиҳонлар 2003 йил 1 сентябрдан 30 сентябргача ўтказилади.

**Ҳужжатлар 2003 йил 1 августгача қабул қилинади.**

**Маълумот учун телефонлар:** 65-23-59 ва 133-78-45; 139-71-55.

**Академия манзили:** 700197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

## ЭЪЛОН

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти бошқармаси 50, 100 кВт алоҳида электрэнергия манбаи (автономные источники электрэнергии) ва 0,8x1250x2500 мм ўлчамдаги БТ-ПН-0-0,8 ГОСТ 19904-90 (К260ВБ-II-Г-0,8КП ГОСТ 16523-97) металл сотиб олиш бўйича тендер савдоси ўтказилишини эълон қилади.

Тендерга такдим этиладиган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тендер комиссияси ишчи гуруҳи томонидан 2003 йил 15 июн гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинсин:

(998712) 55-85-02, 55-83-27, 139-78-27, 55-83-26, Факс: 56-74-16, 55-83-22.

Манзил: 700070 Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўча 1-уй.

<p><b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИВ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ</b></p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p><b>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</b></p> <p>Bosh muharrir o'rinbosari v.b. <b>Murod TILLAYEV</b> Mas'ul kotib <b>R. BERDIYEV</b></p> <p>Navbatchi <b>Q. SHOKIROV</b></p> <p>Sahifalovchi <b>Z. BOLTAYEV</b></p> <p>Musahhih <b>G. XOLIQOVA</b></p>	<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 59-20-96. Muxbirlar bo'limi 139-75-69. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p> <p>E-mail: <a href="mailto:urmyd@globalnet.uz">urmyd@globalnet.uz</a></p>	<p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.</p> <p>«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan</p> <p>Buyurtma Г — 399. Bosilish — ofset usulida. 42853 nusxada chop etildi.</p>	<p>● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart</p> <p>● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.</p> <p>● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366</p> <p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.</p> <p>«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.</p> <p>Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p> <p>1, 2, 3, 4, 5, 6.</p>
--	---	---	--	---	--